Илмий китобхонлар

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 164 (655)

21 АВГУСТ СЕШАНБА 1956 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

БУГУНГИ СОНДА:

Украина Қора металлургия корхоналари ходимлари ва қурувчиларининг кенгаши (1-бет).

Ҳиндистон Республикаси маданият ва санъат арбоблари делегацияси шарафига қабул маросими (1-бет).

Ҳиндистон артистларининг Тошкентдаги охирги концерти (1-бет).

Ставрополь ўлкасининг колхозлари ва совхозлари ғалла тайёрлаш планини муддатидан олдин бажардилар (1-бет).

Улуғ рус тили — иккинчи она тилимиз (2-бет).

И. Я. Каминский. — Мирзачўл пахтачиликнинг йирик базаси бўлади (3-бет).

Пахта байрамини янги меҳнат ғалабалари билан кутиб олайлик! (3-бет).

Германия коммунистик партиясини тақиқлаш тўғрисида Бонн ҳукуматининг чиқарган қарорига қарши Польша жамоатчилиги норозилик билдирмоқда (4-бет).

Миср матбуоти Лондон конференциясидаги совет делегациясининг позициясини маъқулламоқда (4-бет)

Сувайш канали масаласига бағишланган Лондон конференцияси (4-бет).

Рус тилини қунт билан ўрганайлик

Бугун Тошкент шаҳрида миллий мактабларда рус тилидан дарс беришни яхшилаш масалалари юзасидан республикалараро илмий конференция очилади. Бу конференциянинг ишларида Ўрта Осиёдаги барча республикалар, шунингдек Қозоғистон, Озарбайжон ва бошқа иттифоқчи республикалардан меҳмонлар, Москва олимлари қатнашадилар. Бундай конференциянинг чақирилиши республикамиз маданий ҳаётида катта воқиадир.

Коммунистик партия ўзининг доно миллий сиёсати билан мамлакатимиз халқларини ягона қардошлик оиласига абадий бирлаштирди ва тенг ҳуқуқли совет халқларининг бузилмас дўстлигини вужудга келтирди. Кўп асрлар давомида ўзининг юксак маданиятини яратган улуғ рус халқининг номи эндиликда барча халқлар томонидан ҳаққоний равишда буюк ифтихор ва фахрланиш туйғулари билан тилга олинмоқда.

Халқ манфаатларига хизмат қилишдан иборат буюк идеялардан илҳомланган ажойиб рус олимлари ва ёзувчилари инсоният фаолиятининг ҳар бир соҳасида янги буюк кашфиётлар ва тарихий воқиалар бўлиб қолган ажойиб асарлар яратдилар. Истеъдодли рус халқи дунёга революция генийси Владимир Ильич Ленинни берди. Ленинизм идеялари эса ҳаётимизга чуқур сингиб кетди, дунёни ўзгартирувчи, оммани уюштирувчи ҳамда яратувчилик ишига сафарбар этувчи буюк куч бўлиб қолди.

Бой маданий ва адабий меросга эга бўлган улуғ рус халқининг тили Совет Иттифоқидаги барча халқлар учун фан ва маданият хазинасининг эшикларини кенг очиб берди, уларни бир-бирига янада яқинлаштирувчи алоқа воситаси бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам рус тили илғор социалистик маданиятни ўзида акс эттирмоқда ва бинобарин дунёвий аҳамият қозонмоқда.

Коммунистик партия ва совет давлати барча иттифоқдош республикалардаги ўқиш миллий тилларда олиб бориладиган мактабларда рус тилини ўқитишни жорий қилиш ҳақида бир қанча қарорлар қабул қилдилар. Кейинги йилларда ўзбек мактабларининг ўқув планида рус тилига ажратилган соатлар миқдори кўпайиб борди. Республикамизнинг педагогика ўқув юртлари сўнгги беш йил мобайнида 4 мингга яқин рус тили ўқитувчиси тайёрлаб чиқарди. Россия Федерацияси ва Украина қардошларча ёрдам кўрсатиб, республикамизга рус тили ўқитувчиларининг катта отрядини юборди. Ўзбекистон ўқув педагогика давлат нашриёти эса 1938-1955 йиллар мобайнида ўзбек ўқувчилари учун миллионларча тиражда 30 дан ортиқ номда рус тили ва адабиёти дарсликларини нашр этди.

Республикамиздаги миллий мактабларда рус тили ўқитувчиларининг катта армияси ишлаб турибди. Уларнинг кўпчилиги ғайрат ва ташаббус кўрсатиб ишламоқдалар.

Маргарита Васильевна Гришина 33 йилдан бери рус тили ўқитувчиси бўлиб ишлайди. Шундан 13 йилдан кўпроғини Чиноз районидаги ўзбек мактабларида дарс бериш билан ўтказди. У ана шу йиллар мобайнида совет педагогикасининг талабларига ҳар томонлама қатъий риоя қилган ҳолда дарсларни ғоявий-назарий ва методик жиҳатдан юқори савияда ўтишини таъминламоқда. У дарсларга тайёрланар экан, темаларни олдиндан пухта танлайди, ўтилган дарсларни қайтаришнинг методик принципларини белгилайди, янги материални қандай қилиб тушунтиришни, баён қилишни ва уни ўқувчилар хотирасида қандай қилиб мустаҳкамлашни ўйлайди ҳамда дарс беришда кўргазмали ўқув қуролларидан самарали фойдаланади. Бу ҳурматли ўқитувчи дарс бераётган ҳамма синфларда ўқувчилар рус тилини юқори даражада ўзлаштирмоқдалар. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Лекин эътироф қилиб айтиш керакки, областимиздаги ўзбек ва ўқиш рус тилида олиб борилмайдиган мактабларда рус тилини ўқитиш ҳозирги юксак талаблардан орқада қолмоқда. Фактлар шуни кўрсатмоқдаки, кўпгина ўқувчилар программада кўзда тутилган материалларни русча ўқиш ва ёзиш, тўғри талаффуз этиш малакасига эга эмаслар. Баъзи ўрта мактаблар, айниқса қишлоқ мактабларининг 10-синфларини тамомлаётганлар рус тили грамматикасининг қонун-қоидаларини яхши билмайдилар, текстларни эркин ўқиб, унинг мазмунини тўғри сўзлаб ва ёзма равишда баён қилиб бера олмайдилар. Бунинг сабаби аввало шундаки, область мактабларида методик талаблар минимумини бажармаётган айрим рус тили ўқитувчилари бундай муҳим масалалар билан жиддий шуғулланмайдилар, ўз ишларининг натижалари учун юксак жавобгарликни хис этмаётирлар.

Бизнинг мактабларимиз йил сайин рус тили ўқитувчиларининг янги отряди билан таъминланаётган бўлсада, ҳали бу соҳада малакали ўқитувчиларга кескин эҳтиёж сезилмоқда.

Ўзбек мактабларида рус тили ўқитишнинг қониқарли даражада эмаслигига ҳозирда амал қилинаётган программа ва дарсликларнинг ҳар жиҳатдан мукаммал ишланмаганлиги ҳам сабаб бўлмоқда. Ўзбек мактаблари учун рус тили ва адабиёти бўйича нашр этилган программалар ва дарсликларнинг системаси ҳамда мундарижаси янада ишланиши керак. Айрим дарсликларда назарий материаллар ортиқ даражада кўп берилган, қоидалар қийин тил билан баён этилган, машқлар лексикасида ўқувчиларнинг луғат базаси ҳисоба олинмаган. 4-5-синфлар учун программада кўрсатилган материалларда етарли даражада боғланиш йўқ, грамматик қоидаларни ўрганиш адабий текстларни ўқиш билан бевосита боғлаб олиб борилмайди. Юқори синфларда эса амалий машғулотлар учун вақт жуда кам ажратилган. Республика педагогика фанлар институти ва Ўзбекистон Фанлар академияси ҳузуридаги тил ва адабиёт институти ўзбек мактабларида рус тилидан дарс бериш соҳасидаги илмий-текшириш ишлари билан кам шуғулланмоқдалар. Рус ва ўзбек тилларининг солиштирма грамматикаси шу вақтгача вужудга келтиримаган, тил дарс методикаси суст ишлаб чиқилмоқда.

Рус тили ҳақиқатан ҳам бизнинг иккинчи она тилимиздир. Бу тил фақат сўз фонди жиҳатдангина эмас, шу билан бирга халқаро социалистик маданият тили бўлгани учун ҳам ҳар томонлама ўрганишга сазовордир.

Шубҳа йўқки, рус тили ўқитишни яхшилаш масалалари юзасидан чақирилган республикалараро илмий конференция ўз олдида турган вазифани муваффақиятли ҳал этади ва муҳокамага қўйиладиган масалаларни атрофлича ишлаб чиқиб, миллий мактабларда рус тили ўқитишни ҳозирги юксак талаблар даражасига кўтарилишига катта ёрдам беради.

Ҳиндистон Республикаси маданият ва санъат арбоблари делегацияси шарафига қабул маросими

18 августда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри Ғ. С. Султонов Ҳиндистон Республикаси маданият ва санъат арбобларининг республикамизда меҳмон бўлиб турган делегацияси шарафига қабул маросими ўтказди.

Қабул маросимида Ҳиндистон ташқи ишлар министрининг ўринбосари Анил Кумар Чанда жаноблари бошчилигида ҳинд делегациясининг ҳамма аъзолари ҳозир бўлдилар.

Қабул маросимида ҳозир бўлганлар орасида Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари О. А. Алимов, республика Министрлар Совети раисининг ўринбосари С. Зиёдуллаев, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Ж. И. Илҳомова, Ўзбекистон ССР министрлари И. Қ. Қодиров, М. И. Йўлдошев, М. Йўлдошев, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари Ғ. Ғ. Юсупов, К. Яшин, Тошкент шаҳар партия комитетининг секретарлари Р. Ғ. Ғуломов, И. Р. Арнаутов, республика Маданият министрининг ўринбосарлари С. Азимов, А. З. Завьялов, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси М. Т. Турсунов, Ўзбекистон Телеграф Агентлигининг масъул раҳбари Р. С. Сахибоев, газеталарнинг редакторлари — И. Раҳимов («Қизил Ўзбекистон»), С. С. Черник («Правда Востока»), А. Ҳакимов («Ўзбекистони сурх»), З. И. Есенбоев («Тошкент ҳақиқати»), Ўзбекистон Ёзувчилари союзининг биринчи секретари С. Азимов, Чет эллар билан маданий алоқа қилувчи Ўзбекистон жамияти правлениеси раисининг ўринбосари Ғ. Абдурашидов, Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги радио информация Бош бошқармасининг бошлиғи Ғ. Нажимов, Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги санъат ишлари бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Р. М. Қорпев, СССР халқ артисти Ҳ. Насирова, Ўзбекистон ССР халқ артистлари М. Турғунбоева, Т. Содиқов ва бошқалар ҳозир бўлдилар.

Қабул маросими вақтида нутқлар сўзланди.

Ғ. С. Султонов меҳмонларни табриклаб, Сизларнинг Ўзбекистонга келишингиз Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон халқларининг бир-бирига яқинлашувига ёрдам беради, тинчлик манфаатларига хизмат қилади, деди. Ўртоқ Султонов СССР билан Ҳиндистон ўртасидаги маданий алоқалар кенгайиб бораётганлиги тўғрисида ғапириб, яқинда Ҳиндистонга борган Ўзбекистон санъат усталари меҳмондўстлик билан кутиб олинганлиги учун ҳинд халқига ташаккур билдирди.

Ҳиндистон делегацияси бошлиғи ўзининг жавоб нутқида делегация яхши кутиб олинганлиги учун қизғин ташаккур айтди. Анил Кумар Чанда жаноблари СССР билан Ҳиндистон ўртасидаги дўстона алоқаларнинг жуда катта аҳамияти борлигини айтиб, бундай деди:

— Бизларнинг йўлимиз ҳамиша бир хил бўлмаса ҳам, лекин ҳаммамизнинг интилишимиз бирдир. Биз янги турмуш қуришга, турмушимизни чиройлик қилишга интилмоқдамиз. Биз ҳам халқларимиз ўртасидаги дўстлик мустаҳкам ва бузилмас дўстлик бўлишини истаймиз. Тинчлик ва цивилизация манфаатлари йўлида биз бир-биримиз билан тез-тез учрашиб туришимиз, бир-биримизга яқин бўлишимиз лозим.

Қабул маросимида катта концерт берилди. Концертда ўзбек санъат усталари ва ҳинд артистлари қатнашди. Делегация аъзоларига ўзбек миллий кийимлари тортиқ қилинди.

Қабул маросими гоят самимий ва дўстона вазиятда ўтди. (ЎзТАГ).

Ҳинд артистларининг Тошкентдаги охирги концерти

Ҳиндистон маданият ва санъат арбоблари делегацияси составидаги ҳинд артистлари 19 августда Навоий номидаги ўзбек давлат опера ва балет театрида охирги марта концерт бердилар. Ҳиндистон Республикаси, Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССРнинг давлат байроқлари билан безатилган театр залида бир ярим минга яқин томошабин тўпланди.

Концертни раққоса Шарада бошлаб берди. У «Алариппу» ва «Жатисварам» манзараларини ижро этиб, «Бхаратнатьям» услубидаги классик рақснинг хусусиятларини моҳирлик билан намойиш қилиб кўрсатди.

Классик «Катхакали» услубидаги рақсни ижро этувчи артистлар Раман Кутти ва Киршна Кутти якка рақсларни моҳирлик билан ижро этдилар. Классик «Бхаратнатьям» рақсини ижро этувчи ёш раққоса Пушпа Макхижани Ҳиндистоннинг жанубий вилоятларига хос бўлган «Курати» рақсини ижро этди. Артист Лалита Убхакаяр ўзининг ўткир ашулачилик қобилиятини аввалги концертларда бўлганидек, бу концертда ҳам созандалар жўри остида яккол намойиш қилиб кўрсатди.

Ҳиндистоннинг отоқли ашулачилари, ёшлар ва студентларнинг Варшавада бўлиб ўтган жаҳон фестивалининг лауреати Нирмаленду Чаудри халқ қўшиқларини, Движину Мукержи Рабиндранат Тагор шеъри асосида яратилган икки қўшиқни ижро этганларида, томошабинлар уларни қизғин олқишладилар.

Моҳир созчи Шамата Прашад Тошкентдаги охирги концертда биринчи марта ўз маҳоратини кўрсатди. У Шимолий Ҳиндистонда машҳур бўлган ва ўзбекча ногорага ўхшаш табла номли асбобда ўзи чалиб ва бошқаларга жўр бўлиб шамол, ёмғир, момақалдироқ товушларини шу созда гоят усталик билан таранним этди, томошабинларнинг гулдурос қарсакларига сазовор бўлди.

Охирги концерт Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон халқларининг мустаҳкамланиб бораётган дўстлигини янги зўр куч билан намойиш қилди. Ҳинд артистлари Навоий номидаги опера ва балет театри артистларининг ёрдами билан Тошкентда ўзлари ўрганиб олган ўзбек қўшиқлари ва рақсларини ижро этиб, бу дўстликнинг ёркин намунасини кўрсатдилар.

Ёш раққосалар Митра Датт, Кирана Махажан, Ушана Арьянаякам ва Манжула Датт ўзбекча миллий кийимларни кийиб саҳнага чиққанларида гулдурос овоция зални ларзага келтирди. Улар Ўзбекистон ССР халқ артисти Мукаррама Турғунбоева томонидан саҳналаштирилган «Катта ўйин» рақсини чилдирма садолари остида ижро этдилар.

Залда яна қарсаклар бошланди. Томошабинлар ёш ҳинд артисти Неренду Чоудрининг ўзбек композитори М. Левиев томонидан ёзилган «Олтин кўл» музикали драмасидан олинган ашулани завқланиб ижро этаётганини кўриб, ўзларининг хурсанд бўлганликларини изҳор қилдилар. Ҳинд артистига бу ашулани ўргатган тошкентлик артистлар у билан бирга концертда қатнашдилар. Навоий номли театрнинг солисти Асад Азимов ҳиндча гармонда ашулачиларга жўр бўлди. Ўзбекистон давлат эстрадасининг артисти Абдуқосим Тўйчиев доира чалиб турди.

Аввалги концертларда бўлганидек, бу концертнинг охирида ҳинд раққоса Ситара Деви ўз маҳоратини кўрсатди. У раққослик санъатида ўзининг юксак маҳорати билан совет томошабинларининг юксак ҳурматига сазовор бўлди. Ситара Деви ёқимли ва мураккаб икки ҳинд рақсини ижро этгандан кейин хоразимча «Лазги» рақсини гоят усталик ва шўхчанлик билан ижро этиб, томошабинларни қойил қилди.

Концерт тугагач Ўзбекистон ССР Маданият министрининг ўринбосари С. Азимов ҳинд санъати усталарини табриклади. Тошкент театрларининг артистлари меҳмонларга катта гулдасталар тақдим этдилар.

Шу кечада ҳинд артистлари билан театр залидаги томошабинларгина учрашиб қолмасдан, шу билан бирга шаҳар аҳолисидан юзлаб кишилар Театр майдонига тўпланиб, ҳинд халқига ўзларининг самимий хайрихоҳликларини изҳор қилдилар. Улар балконга чиққан ҳинд артистларини давомли қарсаклар билан кутиб олдилар. Бу шундай ҳаяжонлантирувчи учрашув бўлдики, ҳиндистонлик меҳмонлар совет кишиларига бўлган ўз туйғуларини музикада ифодалаб бердилар. «Биз ўзимиз кетсамиз ҳам, лекин қалбимиз сизлар билан бирга қолаётир!» деган мазмунни ифодаловчи ҳинд халқ қўшиғи бутун майдонда янгради. (ЎзТАГ).

Ставрополь ўлкасининг колхозлари ва совхозлари ғалла тайёрлаш планини муддатидан олдин бажардилар

КПСС XX съездининг тарихий қарорларидан руҳланган Ставрополь ўлкасининг колхозчилари, МТС ва совхозларининг ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари ўз сўзларининг устидан чиқиб, 70 миллион пуддан иборат ғалла тайёрлаш давлат планини муддатидан олдин 6 августда бажардилар, ўлкадаги колхозлар ва совхозлар 18 августгача пландан ташқари 25 миллион пуд ғалла топшириб ва сотиб, Совет Иттифоқидаги барча қишлоқ хўжалик меҳнаткашларига қарата қилинган Мурожаатда ўз зиммаларига олган мажбуриятни бажардилар. Давлатга ҳаммаси бўлиб 95 миллион пуд, яъни 1955 йилдагига қараганда, 45 миллион пуд кўп ғалла топширилди ва сотилди. Энг қиматли озиқа бўлган бугдойдан 83 миллион пуд топширилди.

Давлатга 100 миллион пуд ғалла топшириш ҳисобидан пландан ташқари ғалла топшириш давом этмоқда. Қўшимча равишда яна камида 5 миллион пуд уруғлик маккажўхори, шоли ва бошқа кечки экинлар ҳосили топширилади.

Рапортда айтилганки, ҳосил учун, ғалла тайёрлаш планини муддатидан олдин бажариш учун курашсиз — Ставрополь ўлкасидаги колхозчилар, МТС ва совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, барча меҳнаткашларнинг меҳнат ғайрати бениҳоя ошган шароитда ўтди.

Ҳозирги вақтда ўлканинг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари маккажўхори, кунгабоқар ва бошқа кечки экинлар ҳосилини ўриб-йиғиб олишга қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар, кузги экинларни экиб олишга ҳозирланмоқдалар, чорвачилик учун етарли миқдорда дағал озиқалар ва силос тайёрлаб қўйиш чораларини кўрмоқдалар.

Акмолинск областининг Атбасар районидаги «Самарский» ғаллачилик совхозида мўл ҳосил етиштирилди. Совхоз ишчилари бу йил давлатга бир ярим миллион пуд ғалла топшириш мажбуриятини олганлар. **Суратда:** совхознинг бош агрономи **Я. И. Здоровцов**, бригадир **А. П. Панов** ва комсомол ташкилотининг секретари **К. П. Есин** ўртоқлар бугдойни кўздан кечирмоқдалар.

Ф. Сальников фотоси, (ТАСС фотохроникаси).

Пахтакорлар миннатдорчилиги



Ғанибой Облиқбоев бошлиқ бригада аъзолари КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Пахта етиштириш ва тайёрлашни моддий жиҳатдан рағбатлантиришни кўшимча чоғиқ қилиш, ўтитлаш билан шуғулланадилар. Учинчи группадагилари эса далага маҳаллий ўғит етказиб берадилар.

Бригадада ғўзани табақалаб суғоришга, ҳолатига қараб парвариш қилишга алоҳида эътибор берилади. Суғориш кечаси ва кундузи ўтказилаётир.

Бригадада мўл ҳосилни йиғиб-териб олишга ҳам ҳар тарафлама пухта тайёргарлик кўрилаётир. Йўлларни тузатиш, хирмонларни суваш ишларида ҳам колхозчилар намунали меҳнат қилмоқдалар.

— Яқинда, — дейди илғор сувчи ўртоқ Омонов, — Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети сувчиларнинг ишини ташкил қилиш ва уларга ҳақ тўлаш тўғрисида қарор чиқарган эди. Колхозда мана шу қарорга амал қилинаётгани сабабли биз сувчилар олдингига қараганда анча кўп меҳнат куни туширмоқдамиз.

Партия ва Ҳукуматимизнинг пахтанинг нархини ошириш тўғрисидаги қарори бизни янада хурсанд қилиб юборди. Биз ана шу қарорга амалий иш билан жавоб бериш учун ғўза парваришини қизғин давом эттириш билан бирга, Пахта байрамини муносиб кутиб олиш учун гайратга-ғайрат қўшиб меҳнат қиламиз.

Бригададаги Маматқул Яқубов, Нуриниса Мавлонова ўртоқлар бошлиқ звеноларда мўл ҳосил учун кураш айниқса намунали олиб борилаётир. Бу звеноларнинг олди ғўзаларидаги дастлабки кўсаклар очилиб қолди. Колхозчилар ана шу ҳосилни сира нобуд қилмай йиғиб-териб олиш учун шу кунларда пухта тайёрланмоқдалар.

Суратда: бригада бошлиғи ўртоқ **Ғ. Облиқбоев.**

Т. ЙЎЛДОШЕВ.

Янги қарор колхозимизга 667 минг сўм фойда келтиради

Партия ва ҳукуматимизнинг «Пахта етиштириш ва тайёрлашни моддий жиҳатдан рағбатлантириш тадбирлари тўғрисида»ги қарори барча колхозчиларни бениҳоя қувонтириб юборди. Давлатга 1716 тонна пахта етиштириш мажбуриятини олган Октябрь районидаги Хрушчев номли колхоз аъзолари партия ва ҳукумат қароридан илҳомланган ҳолда август ойида ғўза қатор ораларини астойдил ишлаб, мўл ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар.

— Бу қарор, — дейди колхоз раиси Тўлаган Рустамов, — колхоз хўжалигини яна ҳам мустаҳкамлайди, колхозчиларимизнинг моддий фаровонлигини оширади. Айниқса, бу қарор камқувват колхозларнинг экономикасини тезликда мустаҳкамлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Чунки бу қарорда колхозчиларга моддий жиҳатдан катта ёрдам кўрсатилган. Масалан, биз ўтган йили 1-сорт пахтанинг ҳар тоннасини давлатга 2370 сўмдан топширар эдик. Ҳозир 1-сорт пахтанинг ҳар тоннасидан қўшимча 1130 сўмдан фойда кўрамиз. Умуман биз бу йил давлатга 1716 тонна пахта топшириб, ўтган йилга нисбатан 214 минг сўм фойда қиламиз. Биз ҳозиргача ҳар йили сув учун 110 минг сўм пул тўлардик. Партия ва ҳукуматимизнинг қарорига мувофиқ энди сув учун ҳам пул тўламайдиган бўлдик.

Бундан ташқари МТСларга тўланадиган натура ҳақи 40 процент камайгани учун колхозимиз бир йилда қарийб 343 минг сўм манфаат кўради. Дастлабки ҳисобга қараганда бу қарор муносабати билан биргина бизнинг колхоз 667 минг сўм фойда қилади. Бу эса колхоз хўжалигини мустаҳкамлаш билан бирга колхозчиларнинг меҳнатига тўлаш учун мўлжалланган ташқари қўшимча келган пул ҳисобидан 2 сўмдан ортиқ пул тўлай оламиз. Шунинг учун ҳам бу тарихий ҳужжат колхозчиларимизни жонли меҳнатга янада кўпроқ рағбатлантирмоқда. Улар етиштирилган мўл пахта ҳосилини жадал йиғиб-териб олиш учун ҳар тарафлама пухта тайёрланмоқдалар.

Украина Қора металлургия корхоналари ходимлари ва қурувчиларининг кенгаши

ДНЕПРОПЕТРОВСК, 18 август. (ТАСС). Бугун бу ерда металлургия саноати ходимлари ва қора металлургия корхоналари қурувчиларининг республика кенгаши бўлди.

Украина Компартияси Марказий Комитети ва Украина ССР Министрлар Совети томонидан чақирилган бу кенгашда Днепропетровск, Жапорожье, Сталино ва Ворошиловград областларидаги металлургия заводлари, қора металлургия рудниклари ва қурилишларининг раҳбарлари ҳамда инженер-техник ходимлари, партия, касаба союз ва комсомол ходимлари ҳозир бўлдилар.

Кенгаш ишида КПСС Марказий Комитетининг Биринчи Секретари ўртоқ Н. С. Хрушчев, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ А. И. Кириченко, СССР Қора металлургия министри ўртоқ А. Г. Шереметьев, СССР Металлургия ва химия саноати корхоналари қурилиши министри ўртоқ Д. Я. Райзер қатнашдилар.

Кенгаш қатнашчилари Украина ССР Қора металлургия министри ўртоқ С. И. Тишченконинг министрлик корхоналарининг иши ва 1956 йил планини бажариш тадбирлари тўғрисидаги докладини ҳамда Украина ССР Металлургия ва химия саноати корхоналари қурилиши министри ўртоқ В. А. Терентьевнинг қора металлургия корхоналарини қуриш ҳамда 1956 йил планини бажариш тадбирлари тўғрисидаги докладини муҳокама қилдилар.

Докладчилар ва музокараларда сўзга чиққанлар Украина металлургларга ғарчи ишлаб чиқаришни бирмунча ўстиришга эришган бўлсалар ҳам, лекин етти ойлик планни бажара олмаганликларини айтиб ўтдилар.

Кенгаш қатнашчилари Бош бошқармалар ва министрликлар томонидан заводларга ва қурилишларга қилинаётган раҳбарликдаги камчиликларни қаттиқ танқид қилдилар, металл ишлаб чиқаришни кўпайтириш, саноат қурилиши суръатларини тезлаштириш тўғрисида қимматли таклифлар киритдилар.

Кенгашнинг охирида КПСС Марказий Комитетининг Биринчи Секретари ўртоқ Н. С. Хрушчев нутқ сўзлади.

Улуғ рус тили-иккинчи она тилимиз

> Рус тили — энг кучли ва энг бой жонли тиллардан эканлиги жиҳатидан ҳам, бу тилнинг яратган адабиётлари жиҳатидан ҳам ҳар томонлама ўрганишга лойиқдир.
>
> Ф. Энгельс.

Рус тилининг самарали таъсири

Улуғ рус тили СССРдаги қардош халқларнинг бузилмас дўстлигини мустаҳкамлаётган қудратли алоқа воситаси бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам Ватанимиздаги барча қардош халқлар рус тилини иккинчи она тилимиз деб ҳисоблайдилар.

Рус тили—Ленин тилидир. Фақат совет халқларигина эмас, балки ер юзидаги барча прогрессив кишилар ҳам бу тилни севиб ўрганмоқдалар. Улар улуғ Ленининг ўлмас асарларини, Пушкин, Тургенев, Л. Толстой, Чехов, Чернишевский, Добролюбов, Горький каби рус классик ёзувчиларининг ва совет адабиётининг отоқли вакиллари асарларини рус тилида ўқимоқдалар.

В. И. Ленин 1914 йилдаёқ либералларнинг рус тили ҳақидаги ва маданият ҳақидаги тутуриқсиз, чучмал сўзларини фош қилиб, уларга бундай деган эди: «Тургенев, Толстой, Добролюбов, Чернишевский тили улуғ ва қудратли тил эканини сизлардан кўра яхшироқ биламиз. Қайси миллатдан бўлишига қарамай, Россиядаги барча миллатларнинг меҳнатли синфлари ўртасида мумкин қадар мустаҳкам алоқа ва биродарона бирлик ўрнатилишини сизлардан кўра кўпроқ хоҳлаймиз. Шунинг учун биз Россиядаги ҳар бир кишининг улуғ рус тилини билиш имкониятига эга бўлишига тарафдормиз, албатта» (Асарлар, 20 том, 62-63 бетлар). Улуғ Ленининг бу доҳиёна айтган фикрлари амалда тасдиқланди. Ватанимиздаги халқларнинг мустаҳкам алоқаси ва биродарона бирлиги амалга ошди, улар эркин суратда, ихтиёрий равишда улуғ рус тилини билиш имкониятига эга бўлдилар ва бу тилни қунт билан ўрганиб, унинг ҳаётбахш самараларидан фойдаланмоқдалар.

Рус тили СССРнинг ҳамма халқлари тилларига самарали таъсир кўрсатди, жумладан, ўзбек тили ҳам рус тилининг таъсирида ўз луғат составини бойитиб келмоқда.

Рус тилидан кирган **совет, большевик, колхоз, совхоз, союз, звено** каби сўзлар ёки рус тили орқали кирган **партия, коммунист, коммунизм, социализм, революция** каби ижтимоий-интернационал сўзлар, **философия, экономика, физика, химия, ботаника, астрономия, геология, география** каби илмий терминлар, **сеялка, комбайн, трактор, плуг, борона, культиватор** каби деҳқончиликка доир техника терминлари ва бошқа шу каби минг-мингларча сўзлар ўзбек тилининг ўз мулки бўлиб қолди. **Устқурма, иқтисод, қиймат, ишлаб чиқариш, иш кучи, меҳнат, ишчи, муомала, муносабат, алоқа** каби ўзбек сўзлари рус тилининг самараси туфайли янги кенг маъно олди.

Лекин шуни ҳам айтиб ўтмоқ керакки, бизда рус тилини ўрганишда ва ўргатишда ҳали жиддий камчиликлар бор. Рус тилининг бутун бойлигидан фойдаланиб, уни мукаммал ўрганиш ва шу йўл билан тилимизни янада бойитиш вазифаси ҳали ҳам тўлиқ бажарилган эмас. Нашр этилган бир томлик ва беш томлик русча-ўзбекча луғатлар рус тилининг бутун сермазмун бойлигини ўз ичига олмайди. Айрим фан соҳалари юзасидан тузилган илмий луғатлар йўқ даражада, битта-яримта борлари ҳам талабга тўла жавоб бера олмайди. Таржимонлар, тил-адабиёт ўқитувчилари учун сув ва ҳаводек зарур бўлган ўзбек ва рус тилларининг чоғиштирма грамматикаси ҳозиргача ишланган эмас.

Миллий мактабларда рус тилидан дарс беришни яхшилаш масалалари юзасидан республикаларо илмий конференция бу соҳада бундан кейин қиладиган ишларимиз учун амалий йўл-йўриқлар чизиб беради деб умид қиламиз.

Р. АБДУРАҲМОНОВ.
КПСС МК ҳузуридаги марксизм-ленинизм институти Ўзбекистон филиали директорининг ўринбосари.

Ўртоқ М. В. Гришина 33 йилдан бери рус тилидан дарс бериб келмоқда. Шундан 13 йилдан кўпроқ вақтни Чиноз районидаги ўзбек мактабларида рус тилидан дарс бериш билан ўтказди. **Суратда:** ўртоқ Гришина райондаги Пушкин номли 1-ўрта мактабнинг 9-синфида рус тили грамматикасидан экспериментал дарс ўтказмоқда.

В. Николяи фотоси.

Рус ёзувчилари рус тили ҳақида

Рим императори Карл Бешинчи испан тилида худо билан, французчада—дўстлар билан, немисчада—ғанимлар билан, итальянчада—аёллар тоифаси билан гаплашиш маъқул дерди. Аммо, башарти унинг ўзи русчага миришкор бўлганида, албатта, юқоридагиларнинг ҳаммасини жам қилиб, рус тилида буларнинг ҳаммаси билан гаплашиш мақбулдир, деган бўлур эди, негаки, бу тилда испан тилининг гўзаллигини, французчанинг ўйноқилигини, немисчанинг бақувватлигини, итальянчанинг нафислигини, бунинг устига грек ва лотин тилларига хос ихчам қилиб тасвирлашдаги бойлик ҳамда кучлиликни кўрган бўлур эди.

М. В. Ломоносов.

... Рус тили оддий, табиий тушунчаларни ифода этиш учун фавқулодда бой, ихчам ва нафис тилдир. Рус тилида баъзан бир хил ҳаракатнинг рангбаранг жилваларини ифодалаш учун гоҳо ўзаги бир бўлган, аммо турли даражага эга бўлган ўн ва ундан ортиқ феъл мавжуддир.

Рус тили—жаҳондаги энг бой тиллардан бири, бунга сира шак-шубҳа йўқ.

В. Г. Белинский.

Бизнинг рус тилимиз ўзининг бойлиги, кучи, жумлаларининг эркин тузилиши, шаклларининг хилма-хил бўлиши жиҳатидан классик тилларга яқин туришга бошқа янги тилларга қараганда балки кўпроқ қодирдир. Лекин унинг барча ҳазиналаридан баҳраманд бўлмоқ учун уни яхши ўрганмоқ, ундан усталик билан фойдалана билмоқ керак.

Н. А. Добролюбов.

Сиз ўқишингиз, ўзингизни аямай, дунёдаги энг яхши нарсаларнинг ҳаммасини, ҳар қандай техникани ва албатта, сўз ижодиёти техникасини ўрганишингиз керак. Буни ўрганиш унча мушкул эмас, чунки сиз ажойиб намуналарга эгасиз: Гоголь, Лев Толстой, Лесков, Чехов, Пришвин ва рус тилини, рус нутқининг қурилишини жуда яхши биладиган бошқа кўпгина ёзувчилардан ўрнак олишингиз мумкин.

Максим Горький.

> Биз фақат биргина нарсани: МАЖБУРИЙЛИК элементи бўлишини хоҳламаймиз... Ўзининг ҳаёт ва иш шароитлари жиҳатидан рус тилини ўрганишга эҳтиёжи бўлган кишилар уни калтаксиз ҳам ўрганиб оладилар.
>
> В. И. Ленин.

Улуғ ва қудратли тил

Ўрта мактабда ўқиган давримда рус тили энг севган машғулотларимдан бири эди. Барча фанлар қатори, рус тилини яхши билиб олишга астойдил ҳаракат қилдим. Ҳурматли ўқитувчимиз Елизавета Черемнанинг ёрдамида рус сўзларини тўғри талаффуз қилишга, уларни тўғри ёзишга, сўз шаклларининг ўзгариши билан фикрга ҳалол етишини англаб олишга эътибор бердим. Уйга берилган вазифаларни айниқса зўр иштиёқ билан бажардим. Эртасига дарсга келгач, ўқитувчимиз бажарган машқларимни текшириб, хатоларимни тўғрилади. Шундан сўнг хато ёзган сўзларимни диққат билан кўздан кечириб, бундай хатоларни яна такрорламаслик учун рус тили грамматикаси қоидаларини қунт билан ўргандим.

1949 йилда Ўрта Осиё политехника институтининг механика факультетига ўқишга кирдим. Бу ерда кўпчилик дарслар рус тилида олиб борилиши ўз-ўзидан ҳар бир студентдан рус тилини яхши билишни талаб қиларди. Шунга кўра, институтда рус тилидаги китобларни кўпроқ ўқий бошладим. Ўқув программасига оид китоблар билан бирга, Л. Н. Толстой, А. П. Чехов, А. С. Пушкин, А. М. Горький, В. В. Маяковский ва бошқа ёзувчиларнинг асарларидан ҳам ўқиб бордим. Худди шу институтда рус тилининг нақаллар гўзал ва бой тил эканлигини яққол сеза бошладим.

1954 йилда институтни тамомлаганимдан сўнг давлат комиссияси менга «Таштекстильмаш» заводига ишга юборди. Рус тили ишлаб чиқариш фаолиятимда ҳам менга катта ёрдам бермоқда. Маълумки, ҳар бир ёш мутахассис институтни тамомлагандан сўнг ҳам ўз билим доирасини кенгайтириш, малакасини ошириш устида ишлашдан тўхтамаслиги керак. Акс ҳолда давлат томонидан ишониб топшириб қўйилган постда ижодий ташаббус кўрсатиб ишлаб бўлмайди.

Рус тили воситасида мен ўз малакамни ошириш, совет ва чет эл техникасининг энг янги ютуқлари билан танишиш имкониятига эга бўлмоқдаман. Рус тилида нашр этиладиган «Техника молодёжи», «Станки и инструменты», «Вестник машиностроения» журналларини, «Промышленно-экономическая газета» ва Ленинграддаги техника ахборот бюроси чиқарадиган янгиликларни мунтазам равишда ўқиб бораман. Бундан ташқари, машинасозликка оид янги адабиётларни ҳам эътибордан четда қолдирмайман. Новатор Колесовнинг ўзи яратган янги резец тўғрисида ёзган китоби менда айниқса катта таъсурот қолдирди, ундан кўп нарсаларни ўргандим.

Техника янгиликлари билан мунтазам танишиб туришим ишлаб чиқариш фаолиятимга самарали таъсир кўрсатмоқда. Ишга киргинимдан сўнг бир йил ўтгач, маъмурият мени цех технологи постидан завод бош технология бўлимига қиркув асбоблари бўйича конструктор қилиб тайинлади. Икки йилдан сал кўпроқ вақт ичида ишлаб чиқариш маданиятини яхшилашга қаратилган бир неча рационализаторлик таклифларини киритдим. Рус тилидаги бадиий асарларни ўқиш ҳам энг севимли машғулотим бўлиб қолди.

Рус тилини билишим ҳаётимда ва ишимда катта ёрдам бераётганини ҳар қадамда сезиб турибман. Шунинг учун улуғ ва қудратли рус тилини бундан буён ҳам қунт билан ўрганаман.

М. МИРСОАТОВ,
«Таштекстильмаш» заводининг инженер-конструктори.

Рус тилини яхшироқ ўрганамиз

Мен биринчи марта рус тилида ёзилган китобчани ўқий бошлаганимда, ундаги гапларга тўла тушуна олмадим. Чунки шу вақтга қадар ҳамкасбларим билан унча-мунча рус тилида гаплашиб юрган бўлсам ҳам, уни яхши билмас эканман. Шундан кейин менда рус тилини пухта ўрганиш ҳаваси тобора ортди ва мен рус тилида ёзилган кичик-кичик китобларни, газеталардаги ҳаваларни ўқиб бордим. Тушунмаган айрим сўзларни ўртоқларимдан сўраб билиб олдим. Ниҳоят, механизация мактабига ўқишга киргинимдан кейин менинг ҳаётимда ҳал қилувчи давр бошланди. Мен шу ерда рус тилини пухта ўрганишга киришдим.

Механизация мактабида ўқиб юрган кезларимда рус тилида ёзилган китобларни кўпроқ ўқидим, бу соҳада менга мактаб ўқитувчилари катта ёрдам берди. Илгари ўз фикримни рус тилида тўла тушунтириб бера олмас эдим, мана ҳозир мураккаб жумлалар тузишга ҳам ўрганиб қолдим.

Рус тилини яхши билиш биз механизаторлар учун айниқса зарурдир. Чунки ҳар бир трактор ва бошқа қишлоқ хўжалиги машиналарининг қисмлари рус тилида аталади. Уни яхши билмай туриб ишни қониқарли олиб бориб бўлмайди. Бригадамизнинг универсалчиларидан Тошпўлат Абдураззоқов, Ашур Қўшақовлар ҳам рус тилини севиб ўрганмоқдалар. Уларга бу соҳада рус ўртоқларимиз ққиндан ёрдам бермоқда. Ҳозир бу илғор универсалчилар рус тилида ёзилган техника китобларини ва журналларни бемалол ўқий оладилар.

М. ДУИСЕНБОЕВ,
Ўртасарой районидаги 2- МТС-нинг бригада механиги.

МУҲУМ ВОСИТА

Олий ўқув юртида таълим олиб, юқори малакали мутахассис бўлишни орзу қилган ҳар бир студент рус тилини мукаммал ўрганиб олиши зарур. Илғор совет фани ва маданияти ҳамда чет эл фани эришган энг янги ютуқлар билан танишиб бориш ва уни ўзлаштириб олишнинг бирдан-бир муҳим воситаси рус тилини яхши билишдир. Чунки бизда СССРдаги кўпчилик миллатларнинг манфаатларини назарда тутиб, илмий аҳамиятга эга бўлган адабиётлар, жаҳон адабиёти классиклари асарларининг асосий кўпчилиги рус тилида нашр этилмоқда.

Университетда ўқиган 3 йил ичида кўпчилик курсдошларим қатори мен ҳам рус тили грамматикаси қоидаларини бирмунча мукаммал эгаллаб олдим. Рус тилидаги бадиий асарларни ҳам қийналмаслан ўқий оладиган бўлиб қолдик. Курсимиздаги ҳар бир студентнинг ўз шахсий луғати бор. Бу луғатга студент ўзи ўқиган асарларда учраган қийин сўзларни ёзиб олиб, таржимасини махсус русча-ўзбекча луғатдан қидириб топади, айримларини эса ўқитувчидан сўраб олади. Студентлардаги шахсий луғатнинг бойишини ўқитувчимиз Н. Холидова изчил равишда текшириб туради.

Бундан ташқари, университетда комсомол мажлислари, диспутлар, традицион кеча ва бошқа оммавий тадбирларнинг рус тилида ўтказилиши, рус тилидаги спектакль ва кинофильмларга коллектив бўлиб бориш ҳам бу тилни ўрганишимизга кўп жиҳатдан ёрдам бермоқда.

Д. АЮПОВА,
В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университети филология факультетининг IV курс студенти.

Мукаддас бурчимиз

Рус тили бой ва жозибали тилдир. Ана шу тилда ёзган Пушкин, Лермонтов, Гоголь, Толстой ва бошқа ёзувчиларнинг асарларини ўқиган киши роҳат қилади, бир дунё маънавий озиқ олади. Мен рус тилини севаман.

Мен ўқитувчимиз ўртоқ З. Муҳамедованинг маслаҳатига кўра рус тили грамматикасини пухта ўрганмоқдаман, ўйга берилган вазифаларни қунт билан бажараман.

Рус сўзлари учун махсус луғат дафтарча тутганман. Бадиий асарларни қанча кўп ўқисам, луғатим ҳам шунча бойиб боради. Пушкининг «Дубровский», Лермонтовнинг «Замонамиз қаҳрамони», Горькийнинг «Болалик» асарларини рус тилида ўқиб чиқдим. Ҳозир Чехов ҳикояларини ўқиётирман. Бадиий адабиётлар ўқиш рус тили фанидан юқори ўзлаштиришга эришиш имкониятини беради.

Иккинчи она тилимиз—рус тилини қунт билан ўрганиш биз ўқувчиларнинг муқаддас бурчидир.

Ф. АШРАПОВ,
Тошкентдаги 12- ўрта мактабнинг 9- синф ўқувчиси.

Ижодий методнинг самаралари

Рус тили ва адабиёти тўғараги аъзоларининг навбатдаги адабий конференцияси бўлади деган хабар мактаб ўқувчиларини севинтириб юборди. Коридорларда кўзга кўринарли жойларга чиройли қилиб ёзилган эълонлар осиб қўйилди. Бундан ота-оналарнинг деярли ҳаммаси хабардор қилинди. Катта зал яхшилаб безатилди. Деворий газетанинг адабий конференцияга бағишланган махсус сони тайёрланди. Хуллас ҳамма нарса вақтида тахт қилиб қўйилди.

Дарс соатлари тугаб, кеч кириши билан мактаб ҳовлиси, пастки ва юқори қаватлардаги коридорлар ота-оналар, ўқувчилар, бошқа мактаблардан келган меҳмонлар билан гавжум бўлди. Орадан бир-неча дақиқа ўтгач, мактаб радиоузелида дикторнинг жарангдор овози рус ва ўзбек тилларида янгради:

— Қимматли ота-оналар, азиз меҳмонлар ва қадрдон дўстларимиз! Ҳозир адабий конференция бошланади.

— Дорогие родители, гости и товарищи! Сейчас начинается литературная конференция... Диктор мактаб залига чорловчи бу сўзларни дона-дона қилиб, икки-уч бор такрорлади. Соя-салқин боғда ўзаро суҳбатлашиб, фото-монтаж ва деворий газетани, ўқувчилар томонидан тайёрланган ажойиб тематик альбомларни ва болаларнинг шунга ўхшаш ижодий маҳсулотларини қизиқиб кўздан кечираётган, ўз таассуротлари, фикр ва мулоҳазаларини ўртоқлашаётган ота-оналар, меҳмонлар мактаб зали томон йўл олдилар. Катта зал кўз очиб-юмгунча лиқ тўлди.

Шу куни мактабда «Совет адабиётининг асосчиси Горькийнинг ижодий йўли» деган темада адабий конференция бўлиб ўтди. 10- синф ўқувчиси Т. Иногомов қисқача кириш сўзи билан конференцияни очди ва охиригача уни бошқариб борди. Шундан кейин ўқувчилардан У. Гозиев «Горькийнинг ҳаёти ва ижоди», Б. Саидов «М. Горький ижодининг аҳамияти», У. Саидаҳмедов «М. Горький—тинчлик учун курашчи» деган темада рус тилида мазмунли доклад қилдилар. Конференциянинг иккинчи қисмида М. Горький асарларидан рус тилида бадиий ўқишлар бўлди. Ўқувчилардан М. Шўлатов улуғ реалист ёзувчининг «Лочин қуши ҳақида қўшиқ», С. Зуҳурҳўжаев «Бўрон қуши ҳақида қўшиқ», А. Салрҳўжаев Данко ҳақида афсонани, К. Саидов ва Ф. Новрўзбоева Павел Власов ва Ниловнанинг судда сўзлаган нутқини зўр маҳорат билан ғоят таъсирли қилиб ўқиб бердилар. Кечанинг охирида ёзувчининг «Тубанликда» пьесасидан парчалар кўрсатилди. Ундаги Сатин ролини Ш. Аббосов ва Барон ролини М. Шўлатов муваффақиятли равишда ижро этдилар.

Адабий конференция мактаб ўқувчилари ва меҳмонларда чуқур таассурот қолдирди. Айни вақтда ўқувчиларда улуғ ва қудратли рус тилини мукаммал эгаллашга иштиёқ қанчалик кучли эканини жамоатчилик олдида яққол кўрсатилди.

Тошкент шаҳар, Октябрь районидаги 75- ўрта мактабда ўқув йили давомида бундай адабий конференция ва кечалар планли равишда тез-тез ўтказиб турилади. Унда кўп йиллик стажга ва иш тажрибасига эга бўлган, бутун педагоглар коллективи, ўқувчилар ва ота-оналарнинг самимий ҳурматини қозонган ўқитувчилардан Е. Я. Одношевина, К. Е. Лазавик, С. Утешева ва бошқа ўртоқлар раҳбарлигидаги рус тили ва адабиёти тўгаракларининг аъзолари актив қатнашадилар ҳамда мустақил равишда турли темаларда ижодий докладлар қиладилар, рус классик ва совет адабиёти илғор намоёндаларининг программа бўйича ўтилган, шунингдек синфдан ташқари вақтларда ўқиш учун тавсия этилган асарлари устида суҳбат ва мунозаралар уюштирадилар.

Мактабда олиб борилаётган бу ва бошқа шунга ўхшаш ишлар рус тилини ўқитишни яхшилашда муҳим роль ўйнамоқда. Мактаб дирекцияси (директори ўртоқ Ҳошимов) бошқа дарслар каби рус тили дарсининг ҳаётий мисоллар асосида мазмунли, ғоявий жиҳатдан юксак савияда ўтилиши, мактабдан ва дарсдан ташқари вақтларда рус тилини ўрганиш бўйича ўтказиладиган барча тадбирларнинг пухта тайёргарлик билан қизиқарли бажарилиши масаласига доимо алоҳида эътибор бериб келмоқда. Шу билан бирга, мактабда рус тилини ўқитишни юқори даражага кўтариш билан боғлиқ бўлган кўпгина масалалар педагогика советларида, отаоналар йиғилишларида муҳокама қилиниб, бир қатор ташкилий ва практик тадбирлар кенг кўламда амалга оширилади.

Мактабда рус тили ўқитувчиларининг метод бирлашмаси ишлайди. Бу бирлашма махсус план асосида иш юритади. У рус тили ўқитувчиларининг очиқ дарсларини тинглайди. Натижаларни ўз йиғилишларида анализ қилади, у ёки бу ўқитувчининг дарс беришдаги ютуқлари ва камчиликларини атрофлича кўрсатиб ўтади, илғор тажрибаларни ўрганали ва оммалаштиради. Шу асосда ёш ўқитувчиларга яқиндан амалий методик ёрдам беради. Бундан ташқари, методик ва практик жиҳатдан актуал темаларда докладлар ҳам бўлиб туради.

Метод бирлашмасининг ўтган йили бўлиб ўтган йиғилишларида рус тили ўқитувчиларидан бирлашма раҳбари Е. Я. Одношевинанинг «Грамматика дарсларида ўқувчилардан оғзаки ва ёзма жавоб олишнинг метод ва усуллари», Е. И. Запасчиковнанинг «Бошланғич мактабда рус тили дарсларида суратлар билан ишлаш» деган темалардаги докладлари тингланди. Е. И. Коршунова, С. Утешова каби ўқитувчилар эса ўз тажрибаларини ўртоқлашдилар.

Мактаб дирекцияси рус тили ва адабиёти тўгаракларининг фаолиятини жонлантириш—рус тили ва адабиётини ўқувчиларга янада чуқурроқ сингдиришда, бу фан бўйича синфда олган назарий билимларини тобора мустаҳкамлашда, уларнинг практик масаласини ошириш ва рус тилидаги адабиётларни ўқишга қизиқишини кучайтиришда энг муҳим воситалардан бири деб билади. Шунинг учун ҳам мактабда тўгаракларнинг нормал ишлашига зарур шароитлар вужудга келтирилган.

Рус тили ва адабиёти тўгаракларига ҳар йили 5, 6, 7, 8, 9 ва 10-синф ўқувчиларидан 150 дан ортиқ киши мунтазам иштирок этади. Улар тўгарак раҳбарлари бошчилигида қатъий план асосида тематик кечалар, адабий конференциялар ўтказишдан ташқари, рус тили ўқитувчиларининг кўмагида дарсдан ташқари вақтларида турли ижтимоий фойдали ишлар билан шуғулланадилар, ҳарҳил кўргазмали ўқув қуроллари тайёрлаб, рус тили кабинетини бойитишга катта ҳисса қўшадилар. Биргина ўтган ўқув йилида рус тили ва адабиёти тўгараклари қатнашчилари, шунингдек айрим ташаббускор ўқувчиларнинг кучи билан сўз туркумларидан от, олмош, сон, равиш, феъл бўйича юздан ортиқ, синтаксис бўйича 40 га яқин грамматик таблицалар тайёрланди. Улуғ рус ёзувчиси А. С. Пушкин ва машҳур масалчи И. А. Крловнинг ҳаёти ва ижодини тўла акс эттирувчи 3 та иллюстрацияли альбом тузилди. А. Н. Радишчевнинг Петербургдан Москвага саёҳат йўлини гавдалантирувчи карта чизилди. Н. В. Гогольнинг «Тарас Бульба», «Ўлик жонлар», «Ревизор», М. Ю. Лермонтовнинг «Бородино», А. С. Пушкининг «Капитан қизи», «Олтин балиқ ҳақида эртак», М. Горькийнинг «Она», В. В. Маяковскийнинг баъзи шеърлари, И. А. Крловнинг «Тулки ва узум», «Ойна ва маймун», «Ниначи ва чумоли», «Мушук ва ошпаз» каби ўнта масали бўйича кўпгина суратлар яратилди.

Мактабнинг рус тили ўқитувчилари программа материалларини ўтишда рус тили кабинетидаги кўпгина кўргазмали ўқув қуроллари билан бирга ана шу кўргазмали қуроллардан ҳам кенг фойдаланадилар. Улар ҳар бир дарсда рус тили грамматикаси қонун ва қоидаларининг ўқувчилар томонидан чуқур ўзлаштирилишини таъминлашга, уларнинг оғзаки ва ёзма нутқ маданиятини ўстириш ҳамда сўз бойлигини оширишга жиддий эътибор берадилар, уй ишларининг бажарилишини мунтазам текшириб бориб, ўқувчиларнинг активлигини кучайтирадилар, рус тили ва адабиётини ўқитишда совет педагоглари орттирган энг илғор тажриба ва усулларни ишга солдилар. Рус тили ўқитувчиларидан Е. Я. Одношевина ва Е. К. Лазавик ўртоқлар бу соҳада бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

Мактаб дирекцияси бу билангина чекланиб, қолаётгани йўқ. У ўқитувчиларни дарс бериш ва тарбия ишларига ҳамма вақт ижодий равишда ёндошиш, эришилган ютуқларни изчил мустаҳкамлаб боришга даъват этади, мактабда ўрнатилган радиоузел орқали рус тилида кичик-кичик информациялар эшиттириши, фильмоскоп орқали айрим ёзувчи ва шоирларни ҳаёти ва ижодини акс эттирувчи фильмларнинг кўрсатилишини таъминлайди. Мактабда амалга оширилаётган ижодий метод рус тили ва адабиётини пухта ўзлаштиришда самарали натижаларни бермоқда. Ўқувчилардан Э. Умаров, Р. Толипов, К. Саидов, Н. Солихов, У. Гозиев, А. Азимов, А. Мирзокирова, А. Эркаҳўжаева синтари ўқиб ўқувчиларнинг рус тили ва адабиётини фақат «4» ва «5» баҳоларда ўзлаштириб келаётганликлари фикримизнинг ёрқин далилидир.

Ш. ТОҲИРОВ.

Катта виставка

Республикаларо илмий конференция муносабати билан Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтида катта виставка ташкил қилинди. Виставканинг Ўзбекистон ССР мактабларига бағишланган қисмида Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистон Давлат ўқув-педагогика нашриёти томонидан нашр этилган рус тили дарсликлари, методик қўлланма ва кўргазмали ўқув қуролларидан намуналар қўйилган. Бу ерда республика «Ўқитувчилар газетаси»нинг «Русский язык и литература в школе» деган темадаги методик полосаларини ва бошқа жуда кўп нашриёт маҳсулотларини кўриш мумкин. Республика мактабларидаги рус тили ўқитувчиларининг дарс беришдаги тажрибалари ва синфдан ташқари ўтказиладиган ишлар тажрибасини ёритишга бағишланган стендлар айниқса қизиқарлидир. Виставкада ўқувчиларнинг ижодий ишларига ҳам кенг ўрин берилган.

Виставканинг Озарбайжон, Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон ва Қирғизистон Совет Социалистик Республикаларига бағишланган бўлимлари ҳам диққатга сазовордир.

Т. НАЖМИДДИНОВ.

Мирзачўл пахтачиликнинг йирик базаси бўлади

И. Я. КАМИНСКИЙ

Узбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Мирзачўлни суғориш ва ўзлаштириш Бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари ва бош инженери

КПСС XX съезди ўз ишини тамомлаганидан кейин бир неча ой ўтди. Ҳозир съезд қарорлари амалга оширилмоқда: Мирзачўлга ҳужум бошланмоқда. СССР Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитетининг «Пахта етиштиришни кўпайтириш учун Узбекистон ССР ва Қозоғистон ССРдаги Мирзачўлнинг қўриқ ерларини суғориш ва ўзлаштириш тўғрисида»ги қарорини Узбекистон ва қардош Қозоғистон меҳнаткашлари, Ватанимизнинг барча халқлари баланд руҳ билан кутиб олдилар. Бу ерда электр станциялар, ирригация иншоотлари, темир йўллар, шаҳар ва қишлоқларни бино қилиш ишларида кўпгина министрликлар иштирок этади. Мингларча километрга чўзилиб ётган қўриқ ерларда боғлар пайдо бўлади.

Узбекистонда етиштирилган пахта толасининг дастлабки тонналари рус фабрикаларига ўтган асрнинг 80-йилларининг ўрталарида олиб борилган эди. Шундан кейин пахта тобора кўпроқ экиладиган ерларни кўпайтиришга талаб ҳам борган сари ортиб борди. Ўз-ўзидан маълумки, бундай пайтда Тошкент, Фарғона ва Самарқанддек иқтисодий жиҳатдан тараққий этган ва аҳоли кўп яшайдиган воҳалар билан туташган Мирзачўлга нисбатан ташланиши турган гап эди.

Аммо Мирзачўлни ирригацион ўзлаштириш учун қилинган дастлабки уринишлар муваффақиятсизликка учради. Шахсан генерал губернаторнинг ташаббуси билан «Кауфман канали» қурилиши мўлжалланган эди. Қурилиш проектида пландаштирилган бу иш 5-6 йил ўтгач тамомланиб, «Улуғ қиғиз» Романов номидаги ирригация системасининг бир қисмини ташкил этиши лозим эди. Бунинг натижасида тезда янги кўчиб келган кишилар турган жойлар батқоқ бўла бошлади. Ерларнинг батқоқланиши, шўрланиш ҳосилдорликнинг кескин камайиб кетишига олиб келди. Янги ерларда ҳосил тобора камайиб, айниқса гражданлар уруши йилларида энг охирги кўрсаткичларга тушди. Батқоқ ерларнинг кўпайиши билан иситма-безгак эпидемияси тарқала бошлади. Шундан кейин Мирзачўлга келган аҳоли аста-секин тарқалиб кета бошлади.

Кескин чора кўриш йўли билан бу кўнгилсиз аҳволнинг олди олинди. Мирзачўл суғориш системасидан фойдаланиш бўйича махсус бошқарма тузилди, сувдан фойдаланишда интизом ўрнатилди, аҳолини соғломлаштиришга қаратилган бир қанча тадбирлар амалга оширилди. Натижада батқоқликлар тезда қурий бошлади ва шу билан бирга иситма-безгак эпидемияси ҳам йўқола борди.

«Средазгипроводхлопок» институти томонидан ишлаб чиқилган схемага кўра бутун Мирзачўл массивини суғориш Фарҳод гидроузелидан: Марказий Мирзачўл коллекторидан шимолроқ ёки шарқроқ томонда жойлашган ерлар Шимолий каналдан (ҳозирги Киров номли) бошланади. Киров каналидан сув ичадиган ерларнинг умумий майдони 265 минг гектар бўлиб, шу пайтгача унинг 100 минг гектари суғорилмайди. Худди шу каналдан 160 минг гектаргача ерни суғориш қувватига эга бўлган Марказий Мирзачўл канали ҳам бошланади. Шундай қилиб, Киров номли ва Марказий каналлар Фарҳод турбинасидан сув оладилар. Жанубий канал гидроэлектро станциясининг напор бассейнидан бошланади ва 150 минг гектар ерга сув беради. Ҳаммаси бўлиб учала канал 600 минг гектарга яқин қўриқ ерни суғоради.

Мирзачўлнинг иқлими устида ҳам гапириб ўтмай бўлмайди. Бу ернинг иқлими Ўрта Осиё даштликларидаги синтгаридир. Йиллик ўртача температура 13-14 градус атрофида бўлади. Июль ойида иссиқ 28 градуса яқинлашади. Йил давомида куннинг энг қизиғи пайтида 40 градусгача етади. Совуқ эса 30-34 градусгача бўлади. Бу ерда йилнинг 200—230 кунида совуқ бўлмайди. Йилига 200-300 миллиметр қалиликда ёғин ёғади. Буғланиш 1200-1700 миллиметрга етади. Районнинг иссиқлик режимига кўра бу ер пахтанинг ўртачаликдаги сортларининг ахли ўсадиган жойи ҳисобланади. Мирзачўлнинг қўриқ ерлари табиий озуқаси кўп бўлган рангли соз тупроқликдир.

Мирзачўлнинг гидрогеологик шароити анча мураккаб. Устки қатламдаги ва бир қадар минераллаштирилган тупроқ сувлари Мирзачўл территориясидан бошқа ёққа оқиб кетмайди. Шунинг учун Мирзачўлни оммавий равишда суғоришда тупроқ сувларининг ер бетига тепиб кетишидан қутилиш мақсадида каналлар бўйича противофилтрацион тадбирлар ҳамда зовур ва коллекторлар сети вужудга келтирилади. Шубҳасиз, бу ерда сувдан фойдаланишнинг ҳамма илғор методлари қўлланилади. Чунки, шундай шароитдагина ерларнинг мелиоратив аҳволини яхшилай бориш мумкин.

Мирзачўлда эндиги ишлар қай тарзда авж олдирилади? Биринчи навбатда Киров канали воситаси билан суғориладиган қўриқ ерлар проектлаштирилади. Бу ерларга сув ўзича оқиб боради. Шунингдек Марказий каналдан сув ичадиган қўриқ ерлар ҳам проектлаштирилади. Бу каналлардан ҳаммаси бўлиб 233 минг гектар қўшимча ер суғорилади.

Биринчи навбат ишларга Фарҳод ГЭСнинг юқори бьефасидаги 77 минг гектар ерни суғоришни таъминлаш ҳам пландаштирилган. Ҳозирги суғорилаётган ерлар билан янги суғориладиганлари қўшилса Мирзачўлда ҳаммаси бўлиб 500 минг гектар ер суғорилади. Бундай катта майдонни суғориш учун Мирзачўл магистрал каналининг бошидан секундига 520-530 кубометр сув ўтиб туриши талаб қилинади. Киров номли ва Жанубий каналларнинг мавжуд бош иншоотлари ҳеч қандай реконструкциясиз керак миқдордаги сувни ўтказиш қувватига эгадир.

Шундай қилиб биринчи навбат қўриқ массивни суғориш учун фақат ирригацион-мелиоратив система қуриш талаб қилинади, холос. Бу системаларнинг энг муҳим кўрсаткичлари қуйидагилардан иборат. Бош каналларнинг узунлиги 330 километрдан ошади. Доимий тақсимлаш—суғориш сетининг узунлиги эса 4600 километрдан ошади. Районнинг шароитига қараб коллектор-зовур сети қурилиши проектлаштирилади. Коллекторлар бирбиридан 400 метрдан 2 километргача узоқликда 3-4 метр чуқур қилиб ковланади.

100 миллион кубометр ҳажмдаги капитал планировка ишларини ҳисоблаганда, 320 миллион кубометр ҳажмда ер ишлари бажарилади. Бу — Волга-Дон комплекс гидротехник иншоати қурилишида бажарилган ер ишлари ҳажмидан ҳам кўпдир. Темир-бетон ишлари ҳажми 400 минг кубометр миқдорида бўлади.

Ўзлаштириладиган янги ернинг асосий массиви ўрта ҳисобда ҳар бирининг ери 8 минг гектардан бўлган 34 та совхоз ташкил этишга ажратилади. Суғориладиган ҳамма ернинг 57 процентига пахта, 30 процентига беда ва қолган қисмига кўп йиллик ўсимликлар экилади ҳамда томорқа сифатида бўлиб берилади. Бу ерда бедани уч йилгача ўстирган ҳолда 7-8 далали экиш усули жорий қилинади. Биринчи йил экилган беда майдонининг ярмига думбиллигида йиғиштириб олинадиган жўхори экилади.

Жуда қисқа муддатда, 5-7 йил ичида сўнгги 40 йил мобайнида ўзлаштирилганга қараганда икки ҳисса кўп хўжалик майдонини ўзлаштириш ва ирригацион қурилишни амалга ошириш белгиланди.

Бизнинг ёшларимиз Қозоғистон, Сибирь ва Олтойдаги бўз ва қўриқ ерларни ўзлаштириш тўғрисидаги партия чақириғига юксак ватанпарварлик билан жавоб бермоқдалар. Шубҳа йўқки, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Пахта етиштиришни кўпайтириш учун Узбекистон ССР ва Қозоғистон ССРдаги Мирзачўлнинг қўриқ ерларини суғориш ва ўзлаштириш тўғрисида»ги қарорини амалга ошириш учун фақат Узбекистонлик ва қозоғистонлик ватанпарварларгина эмас, балки шу билан бирга бошқа қардош республикаларнинг ёшлари ҳам отилиб чиқадилар. Улар Мирзачўлга келиб бу бўз ва қўриқ ерларни ўзлаштириб Мирзачўлни мамлакатимизнинг янги энг йирик пахтакор районларидан бирига айлантирадилар.

☆ ☆



Мирзачўлни ўзлаштиришнинг схема тик картаси.

Пахта байрамини янги меҳнат ғалабалари билан кутиб олайлик!

☆

Оржоникидзе районидаги Киров номли колхознинг ўртоқ Қ. Раҳимов бошлиқ бригада аъзолари бу йил ҳар гектар пахта майдонидан 40 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олган эдилар. Улар ана шу юксак мажбуриятни қоплайдиган даражада ҳосил етиштириш учун юқори агротехника қоидаларини кенг қўлланиб, барча майдонларда ғўза парваришини намунали олиб бормоқдалар. Бригадада меҳнат тўғри ташкил этилганлиги, интизом мустаҳкамлиги, ўзаро социалистик мусобақа кучайтириб юборилганлиги сабабли ғўзалар сифатли парвариш қилиниб мўл ҳосил тўпланмоқда. Ҳозир ҳар туп ғўзада 10—12 тадан бўлиқ кўсак бор.

— Биз, — дейди бригада бошлиғи ўртоқ Қ. Раҳимов, — тўпланган мўл ҳосилни тўла сақлаб қолиш ва ҳосилга-ҳосил қўшиш мақсадида шу кунларда ҳам ғўза парваришини қизғин давом эттирмоқдамиз. Бу эса ҳар гектар пахта майдонида олинадиган ҳосилга 2—3 центнердан ҳосил қўшилишини таъминлайди. **Суратда:** бригада бошлиғи ўртоқ **Қ. Раҳимов**, ғўзаларни кўздан кечирмоқда.

Р. Исаев фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Илғорлар бригадасида

Чатқол тоғи тизмалари орқасидан эндигина бош кўтараётган қуёш мирза теракларнинг учини ўзининг дастлабки нурлари билан ёрита бошлади. Шимолий шарқ томондан эсаётган майин шабада қир этакларида барқ уриб ўсаётган бўлиқ ғўзаларга ҳаёт сувини гўё ўзи билан бирга олиб келаётгандек.

Ҳаво ғуборсиз, топ-тоза. Эрта тонгдан бошлаб табиатнинг бу гўзал қучоғида ҳаёт қайнайди. Ҳув ана, меҳнат завқи билан тўлиб-тошган бир тўда хотин-қизлар ғўзаларни жадаллик билан чопиқ қилмоқдалар.

Бўстонлиқ районидаги Молотов номли колхознинг ўртоқ М. Ёдгоров бошлиқ бригада аъзолари ғўза парваришини ҳар тарафлама кучайтириб, ҳар туп ғўзада мўл ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар. Бригада аъзолари бу йил 76 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил олиш учун аҳд қилганлар. Улар ўз устларига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажариш учун чин дам ва ғайрат билан ишлаб, кундан-кунга меҳнат унумини оширмоқдалар. Чопиқ, культивация, озиқлантириш, суғориш каби дала ишлари ўз вақтида сифатли қилиб ўтказилганлиги туфайли ҳар туп ғўзадаги кўсак кун сайин тўлишиб етилмоқда. Июль ойининг бошларида бригаданинг 12 гектар еридаги ғўзалари ривожланишдан орқада қолган эди. Мавжуд имкониятларнинг барчасидан унумли фойдаланиб парвариш қилинганлиги туфайли ҳозир ана шу ғўзалар ҳам мўл ҳосилдан дарак бермоқда. Икки марта қўшимча озиқлантирилган ғўзалар ҳозир охирги марта чопиқ қилинмоқда.

Бригаданинг Т. Қўзибоева, Т. Мансурова ўртоқлар каби кўпчилик аъзолари кунлик нормаларини 1,5-2 ҳисса бажариб келмоқдалар.

Т. НОСИРОВ.



Ўртоқ А. Холиқовнинг номини барча колхозчилар ҳурмат билан тилга олишади. У, илғор звено бошлиғи бўлиши билан бирга, кўп йиллик бой тажрибага эга бўлган моҳир суғорувчи ҳамдир. Ўртоқ Холиқовнинг ҳам хизмати катта. У, ер шароитини яхши билади. Ғўзаларнинг талаб ва эҳтиёжларига қараб кечаси пай усулида жилдиратиб сув тарайди. Натижада барча майдонлардаги ғўзалар қониб сув ичиб, гуркираб ўсмоқда, ҳосилга-ҳосил қўшмоқда. Ҳозир звенонинг ҳар туп ғўзасида 10—12 тадан бўлиқ кўсак бор. **Суратда:** Илғор звено бошлиғи, моҳир суғорувчи ўртоқ **А. Холиқов.**

М. Шевелев фотоси.

Янгилик шундай туғилади

Миразиз Рўзматов ўз бригадасидаги универсалларнинг ишлашини кузатиб юриб, Мамазиё Кенжаевнинг универсали ишлаётган далага келганида қуёш ғарбга томон ёнбошлаган эди. Кун бўйи, гўё олов селида чўмилган бепоён пахтазорда энди қандайдир юмшоқ, иliққина шабада юришиб кетди. Атрофда ёнинг шундай кезларида, кечки пайт пайдо бўладиган кўкатларнинг ёқимли, хушбўй ҳиди анқий бошлади.

Рўзматовнинг атрофга синчиклаб қараб, эгатларни қўндалангига бўйлаб шошилмай юриб келишини узоқдан кўрган Кенжаев универсалга тиркалган агрегатга ва культивация қилинган майдонга қараб қўйди. Кенжаев Рўзматов билан бир неча йилдан бери бирга ишлашади. Рўзматов трактор мотори қандай ишлаётганини узоқдан, унинг овозидан, универсалга тиркалган агрегатнинг қандай ўрнатилганини эса, унга бир қарашдан, ғўза қатор ораларини қандай юмшатаётганини эгат ораларига оёқ босиш билан аниқлаб қўяр ва кўпинча шундай вақтларда улардан бирор камчилик топиб, Кенжаевга кўрсатганда, Кенжаев буни илғари пайқамаганини тан олар, Рўзматовга ичдан қойил бўлиб, дарҳол ўша камчиликни бартараф қилишга киришарди.

У, бу даражага осонликча эришган эмас, албатта, 1935 йилда пахта далаларимизга қудратли машиналар кўплаб кела бошлаши билан трактор рулига ўтирган, трактор рулида «суяги қотган» ўзбек йигитларидан. Техникага биринчи марта меҳр уйғотган устози, ҳозир Оққўрғон районидаги 1- МТСда участка механиги бўлиб ишлаётган Анатолий Куничкин унга, ўша йили биринчи марта ХТЗ тракторини тоширa туриб: машинада ишламоқ учун аввало уни сева билмоқ керак, деган эди. Машинага ўз вақтида қараб турсанг, эскирган қисмларини вақтида алмаштирсанг, у ҳеч қачон эгасини хафа қилмайди, кўзлаган маррага етказади.

Рўзматов механизация соҳасида қарийб 20 йилдан бери ишлаб келади, устозининг ҳар бир маслаҳатига ҳамма вақт амал қилади. У ўзини оддий тракторчидан бригада механиги вазифасига тайинлаганларида эндиги масъулият бир трактор доирасидан етти трактор доирасига кўпайганлигини чуқур ҳис қилди, механизаторлар билан бўладиган муносабатларда иш вақтида талабчан раҳбар, ишдан кейин эса бригададаги йигитлар билан тенгдош ўртоқлардек муомала қилишга ўрганди. У, колхоз правлениеси ва далачилик бригадалари билан яқиндан алоқада бўлганлиги учун ҳам эртага универсал қаерда ва қандай иш қилишинигина эмас, балки бу ишни бир ҳафта илгари билади. Бу, унга ишни тўғри пландаштиришга, универсалларни ўз вақтида профилактика қилишга, универсалчиларга тегишли топшириқлар беришга қулайлик яратади.

Маълумки, ҳар қандай универсалчи ҳам ғўза қатор ораларини қўндалангига сифатли ишламайди. Айниқса, ғўза туплари 60х45 схемасида жойлаштирилган ерларда универсални эгатларнинг 45 сантиметр оралиги бўйлаб усталик билан олиб юриш учун алоҳида маҳорат талаб қилинади. Рўзматов қатор ораларини қўндаланг ишлаш учун Кенжаевни танлади. Кенжаев бу йил ёз бўйи бригадага биркитилган 400 гектар майдонни уч марта сифатли қилиб қўндалангига ишлади. Улар қўндалангига ишлайдиган универсалга янги ўрнатилган резинали гилдиракни ўрнатдилар. Чунки у узунасига суғорилган майдонни кесиб юрганда ҳадеб сакрайвермайди.

...Рўзматов карталарни кузатишда давом этди. Ғўза туплари шода-шода бўлиқ кўсаклар тиззага урилар, ҳарорат пасайган сари ҳавода намлик кўпайиб борарди. У, шу пайт универсал бурилган жойда ярмидан синиб ётган бир туп ғўзани кўриб, бир зум тўхтаб қолди. Синган тупда 9 тадан ошиқ бўлиқ кўсак, 12 тача ҳосил тугунчалари бор эди. Уни кўтариб тўғриламоқчи бўлган эди, синган жойидан чирс этдию, узилиб кетди. Шунда унинг юраги ачиниб кетди. Бир туп ўсимликнинг нобуд бўлиши инсон қалбига шунчалик таъсир қиладими? Ҳаш бир туп ўсимлик устида эмас, ёз бўйи тер тўкиб қилинган меҳнатга нисбатан ҳурматсизликда. Экилган чигитни мурғак ғўза найчасига, найчани ҳосилдор ғўза тупига айлантириш учун жазирама офтоб нури остида қанчадан-қанча, меҳнат қилинади?

Ғўза қийғос кўкариб чиққанда аввало уларнинг нормал қалинликда бўлишини таъминлашга, айниқса, алоҳида эътибор берамиз. Лекин теримга тушиш олдидан қарабсизки, карталарнинг тўрт томони бўйлаб 2-3 метр жойда 50 процент ғўза тупи йўқ. Улар худди мана шундай эртами-кечми универсал гилдиракларига ем бўлганлар. Ҳар қандай моҳир универсалчи ҳам универсал бурилаётган пайтда уни ғўза тупларига етказадиган зарардан сақлаб қолишдан ожиз. Чунки, универсал орқага жуда тез бурилади. Агар у секин бурилса; узоқ масофани айланиб, белгиланган эгатга тушолмайди, янада кўпроқ ғўза тупини нобуд қилади.

— Механизатор бўлиб ишлаётганимдан бери, — деб ўйлади Рўзматов, — бу аҳвол ҳамон давом этади. Яна қанча давом этаркин? Унга барҳам беришнинг иложи топилмасмикин? Ҳа, дарвоқи, бу аҳволга МТС мутахассислари қандай қарайдилар? Улар картанинг катта ё кичиклигига қараб 0,5 дан 1 гектаргача майдонни ҳисоблаб чиқариб ташлаб, кўчат бор ергагина контрактация плани тузишни тавсия қилганлар, холос.

Рўзматов чуқур хаёлга ботди... Колхозимиз далаларида уч бурчаклидан тортиб етти бурчаклигача бўлган далаларни учратиш мумкин, дала йўллари қийғир-қийшиқ, пахта майдонларининг қаери тўғри келса, ўша ердан кесиб ўтаверган. Кенг карта ўртасида қатор тут дарахтлари жойлашган. Буларнинг ҳаммаси универсалларнинг нормал ишлашига имкон бермайди. Ортиқча бурилишларга олиб келади, бурилиш қанча кўп бўлса, ғўза шунча кўп нобуд бўлади.

Кейинги йилларда ҳар бир колхоз қишлоғида қишлоқни қайта тузишнинг генерал плани тузилди, янги иморат қурадиган ҳар бир колхозчи ҳонадони ўша план асосида уй қуриши белгиланди. Демак, 10-15 йил ичида қишлоқлар қиёфаси ўзгариши маълум. Пахта далаларимизни ҳам янги қишлоқларимиз сингари планли, стандарт карталар ҳолига келтириш учун вақт келиб етмадимикин? Ҳар бир колхознинг ер шароитига қараб, 10 гектардан 15 гектаргача бўлган стандарт карталар тузилса, уни дала йўллари планли ва тўпма-тўғри кесиб ўтса, карта ўрталарида учрайдиган тут дарахтлари ҳам эрта кўкламда механизация ёрдамида бошқа жойга планли қилиб жойлаштирилса, универсалнинг нормал ва сифатли ишлаши учун кенг имкониятлар вужудга келарди, карталардан асоссиз чегириб ташлашларга барҳам берилади. Худди шу асосда универсалларнинг дала йўлларидан бурилишига, суғоришни ҳам маълум системага солишга эришиш мумкин. Чунки эгри-бўгри ариқларда август ойида кўплаб хас-чўплар тўпланади, бу сувнинг нормал оқишига маълум даражада халал беради.

Саноат ишлаб чиқаришида жуда кўплаб рационализатор ва новаторлар етишиб чиқмоқда. Бу — табиий бир ҳол. Чунки инда юз берган камчилик ҳам, уни тузатиш йўллари ҳам бевосита ишлаб чиқариш процессида содир бўлади. Ҳар қандай янгилик бевосита ишлаб чиқариш процессида туғилади. Рационализатор ва новаторларнинг ишлаб чиқаришга жорий қилинган прогрессив методлари туфайли кўп миллионлаб халқ мулки тежалмоқда.

Лекин қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш процессини мукаммаллаштириш, рационализаторлик таклифларини киритиш, прогрессив методлар жорий қилиш жуда секинлик билан бораётир. Пахта майдонларининг бундан кейинги перспективасининг равнақи кўп жиҳатдан биз механизаторларга боғлиқ. Бунинг учун бизда ғоят қунт ва сабот билан янгиликка интилиб ишлаш талаб қилинади.

Ҳозир қишлоқ хўжалигини комплекс механизациялаш учун кураш қизиб кетган бир пайтда иш процессида вужудга келаётган илғор, прогрессив методларни усталик билан пайқаб олиш, ва уни дадиллик билан жорий қилиш ҳар бир механизаторнинг шарафли бурчидир. Сўнгги йилларда амалга оширилган ғўза тупларини квадрат-уялаб жойлаштириш усули пахта далаларимизни 100 процент механизация билан ишлаш мумкин эканлигини яққол кўрсатиб турибди.

Квадрат-уялаб экилган майдоннинг қатор ораларини ишлашда 50х50, 60х60 схемаларига нисбатан 60х45 схемаси кўп устунликка эгадир. Август ойида ғўза шохлари ўсиб, бир-бирига киришиб кетганда эгатларнинг фақат 60 сантиметр оралиги бўйлаб ишланади. 50х50 схемасида бу қулайлик йўқ. 60х60 да эса 60х45 схемасига нисбатан ғўза тупи жойлашган майдон кам бўлади.

Рўзматов ана шу мулоҳазаларни хаёлдан ўтказар экан, хоҳ МТС, хоҳ колхоз мажлисида бўлсин пайти келганда бу масалани албатта кўтариб чиқаман, деб ўйлади.

Мўл ҳосил учун курашнинг сўнгги даврида ғўзаларни янада сифатли парвариш қилиш мақсадида Узбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг 1 августдан бошлаб маҳаллий шароитга қараб, вақтинча янги смена иш нормаси ва ёнилги сарфлаш нормаси жорий этишни тавсия қилганлиги Ўртасарой районидаги 1- МТС нинг «Коммунизм» колхозида хизмат қилаётган Миразиз Рўзматов бошлиқ трактор бригадаси механизаторларини янада сифатлироқ меҳнат қилишга руҳлантириб юборди. Улар то август ойи охиригача ғўза қатор ораларини ишлашни тўхтатмасликка аҳд қилдилар.

Б. ШОНАЗАРОВ.

Ҳинд санъати усталарининг концертлари

Ўзбек халқи ҳинд музыка санъатини биринчи марта 1954 йил сентябрь ойида кўришга муваффақ бўлган эди.

1954 йилда келган ҳинд санъати усталари ўзбек томошабинларига Рабиндранат Тагорнинг лирик поэмасини, подшолик қўшиғини, Ҳиндистон миллий гимнини, ҳинд лирик қўшиқларини, катаҳхали классик услубдаги пантомима-рақсини, махабалини, Бхарат Натьям классик стилидаги рақсларни намойиш қилиб кўрсатганлар. Бундан ташқари, томошабинлар ҳинд халқининг хилма-хил товушларга эга бўлган миллий чалғу асбоблари: басури, танпура, соранг, табл, вина, мардангом, дҳолак, най ва бошқа асбоблари билан ҳам танишган эдилар.

Бу сафарги ҳинд санъатининг усталари ҳам ҳинд классик услубидаги рақслар, қўшиқлар ва чолғу музикаларини намойиш қилдилар.

Маълумки, Ҳиндистонда классик ва халқ рақслари ниҳоят ривож топган. Энг кўп тарқалган классик услубдаги рақслар тўртта бўлиб, қуйидагича номланадилар: Бхарат натьям, Катҳакали, Катҳак ва Манипури. Тарихий маълумотларга қараганда, бу рақслар бир-биридан узоқ масофаларда жойлашган турли вилоятларда вужудга келган. Бу рақслар бундан бирнеча асарлар олдин машҳур раққослар томонидан тўпланиб, системалаштирилган.

Бхарат Натьям бирин-кетин ижро этиладиган 7 сюжетни ўз ичига олади.

Ҳиндистоннинг жануби-ғарбий қисмида тарқалган классик стилдаги рақс Катҳакали дейилади. Бу рақс икки элементни, яъни драматик ва ривожланган рақс санъатини ўз ичига олган.

«Катҳак» — классик стилдаги рақс бўлиб, Ҳиндистоннинг шимолий қисмида кенг тарқалгандир. Бу рақснинг мазмуни ҳинд эпик поэмаси «Рамазна» ва қадимги ҳинд ривоятларидан тузилган «Махабарата» китобларига асосланган.

Ҳинд халқи бундан бир неча минг йил олдин бошланган хореографик традицияни давом эттирмоқда. Кейинги йилларда ёзилган машҳур асарларни саҳналаштиришда классик рақслардан кенг фойдаланилмоқда. Булардан бири машҳур ҳинд ёзувчиси Рабиндранат Тагорнинг поэма, драма ва қўшиқлари асосида яратилган «Шантаникетан» рақсидир. Бу рақсни саҳналаштиришда «Манипури» ва «Катҳакали» классик стилидаги рақс элементларидан фойдаланилган.

Ҳиндистонда классик стилдаги рақслардан ташқари, миллий рақслар ҳам муҳим роль ўйнайди. Миллий рақслар тўй маросимлари, йиғим-терим, деҳқончилик, овчилик ва бошқа турмуш шароитлари билан боғлиқдир.

Юқорида айтиб ўтилган тўрт ҳинд классик рақс услуби рақс санъати маданиятининг энг ривожланган формаларидан ҳисобланади. Бу тўрт услубнинг ҳар бири бирнеча хил классик рақслар бирлашмасидан ташкил топган. Шунинг учун ҳар бир раққоса ёки раққос бу услублардан бирортасини ижро этиш учун бирнеча классик рақсларни билиши, бундан ташқари, мураккаб ҳаракатларни бажариш учун жуда ёшлигидан машғулот бошлаши талаб қилинади.

Ана шунинг учун классик рақсларни мукаммал эгаллаб олишда ижрочиларга ёрдам бериш мақсадида Ҳиндистонда махсус балет мактаблари ташкил этилиб, зарур шароитлар яратилган. Калькуттада «Уде-шанкар» балет группаси, «Калакшетра Адьяр» рақс мактаби, Малабаре шаҳридаги «Гандхи сова Содан» рақс мактаби, Эмадбедаларги рақс институти ва бошқа ўнлаб махсус таълим юртлари иш олиб бормоқда.

Ҳинд классик ва миллий рақслари усулининг хилма-хил ва ниҳоят мураккаб бўлиши турли овоз берувчи асбобларни вужудга келтирган. Булардан энг аҳамиятлиси иккала қўл билан уриб чалинадиган табл номли асбобдир.

Бундан ташқари, дутора ҳинд халқ куйлари ҳам ижро этилади. 30 ижрочидан иборат ансамбль ўзбек халқини ҳинд халқи музика санъатининг энг яхши намуналари: классик услубдаги рақслар, халқ рақслари, классик ва миллий қўшиқлар ҳамда чолғу асбоблари билан таништирдилар.

Ўзбекистон санъат усталарининг Ҳиндистон ва Бирмада бўлиши халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш ишида муҳим босқич бўлганидек, ҳинд санъат усталарининг совет Иттифоқида, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам бўлиши халқлар ўртасидаги дўстликнинг ёрқин далилидир.

М. АҲМЕДОВ.

Ҳиндистон Республикаси маданият ва санъат арбоблари делегацияси Тошкентдан жўнаб кетди

Ҳиндистон Республикаси ташқи ишлар министрининг ўринбосари Анил Кумар Чанда жаноблари бошчилигидаги ҳинд маданияти ва санъати арбоблари делегацияси 20 августга ўтар кечаси Тошкентдан Ереванга учиб кетди.

Ҳиндистон Республикаси, Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР давлат байроқлари билан безатилган Тошкент аэродромига Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри Ғ. С. Султонов, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Ғ. Ғ. Юсупов, Ўзбекистон ССР Маданият министрининг ўринбосарлари С. Азимов, А. З. Завьялов, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси М. Т. Турсунов, чет эллар билан маданий алоқа қилувчи Ўзбекистон жамияти правлениеси раисининг ўринбосари Ғ. Абдурашидов, Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги санъат ишлари бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Р. М. Қориев, СССР халқ артисти С. Эшонтўраева, Ўзбекистон ССР халқ артисти М. Турғунбоева, фан, маданият ва санъат арбоблари, журналистлар меҳмонларни кузатиб қолиш учун келдилар.

Ғ. С. Султонов делегация аъзоларига Ўзбекистонга келганликлари учун республика меҳнаткашлари номидан қизғин ташаккур айтди. У меҳмонларга оқ йўл тилаб, улардан тинчлик ва тараққиёт учун актив курашаётган бутун ҳинд халқига ўзбек халқининг қизғин саломини топширишни илтимос қилди. (ЎзТАГ).

ГЕРМАНИЯ БИРЛАШГАН СОЦИАЛИСТИК ПАРТИЯСИ МАГДЕБУРГ ТАШКИЛОТИ ПАРТИЯ АКТИВЛАРИНИНГ МАЖЛИСИДА

В. УЛЬБРИХТ НУТҚ СЎЗЛАДИ

БЕРЛИН, 18 август. (ТАСС). Германия Бирлашган социалистик партияси Магдебург округи партия ташкилоти активларининг кеча бўлган мажлисида Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий комитетининг биринчи секретари В. Ульбрихт нутқ сўзлади. В. Ульбрихт Ғарбий Германия ҳукумати Германия Коммунистик партиясини тақиқлаш тўғрисида қарор чиқарганлиги ҳақида гапириб, бундай дейди.

Бонн ҳукумати совет қўшинларининг сони камайтирилганлигига ва шунингдек Германия Демократик Республикаси қуролли кучларининг сони камайтирилганлигига жавобан ҳарбий мажбуриятни жорий қилди. Аденауэр ҳукумати Германия Демократик Республикасида ҳукм этилган кишилар озод қилинганлигига жавобан коммунистларни ҳамда тинчлик учун курашаётган бошқа кишиларни қамоққа олмоқда. Аденауэр ҳукумати Германия Демократик Республикасида демократия кенг авж олиб бораётганлигига жавобан тинчлик учун жуда изчиллик билан курашиб келаётган партияни тақиқламоқда ва Германия-Совет дўстлиги жамияти сингари демократик ташкилотларни қувғин қилмоқда.

Реакцияга қарши турмоқ учун, деди Ульбрихт, Германия ишчилар синфининг бирлигини мустаҳкамлаш ва ғарбий Германиядаги социал-демократик партия билан Германия Бирлашган социалистик партияси ўртасидаги ҳамкорлик, Ғарб ва Шарқдаги касаба союзлар ўртасидаги ҳамкорлик — тинчликни таъминламоқ ва ғарбий герман милитаристларининг террорига ҳотима бермоқ учун жуда ҳам зарур бўлиб қолди.

Журналистлар халқаро ташкилотининг норозилиги

ПРАГА, 18 август. (ТАСС). Бугун Халқаро журналистлар ташкилоти Германия Федератив Республикаси ҳукуматига юборилган телеграмма эълон қилди. Телеграммада бундай дейилади:

Германия Федерал Республикасида кейинги вақтларда бўлган воқиалар, айниқса Карлсруэда ўтказилган суд ва Германия Коммунистик партияси тақиқланганлиги бутун дунё демократик жамоатчилигини ғоят ташвишга солди. Германия Федератив Республикаси ҳукумати фикрларни изҳор қилиш эркинлигига, аввало матбуот эркинлигига жуда қўпол равишда ҳужум қилди. Аденауэр ҳукуматига ёқмайдиган фикрларни ифодаловчи журналистларни қувғин қилиш кучайтирилмоқда.

Матбуот эркинлигига қарши мана шу кампаниянинг оқибатида эндиликда 20 та коммунистик газета тақиқланди, буни эркин матбуотни таҳқирлашнинг, фикрларни эркин ифодаланиш таҳқирлашнинг, инсоний ҳуқуқларни қўпол равишда бузишнинг ўзгинасидир, деб баҳолаш мумкин, холос.



Руминия Халқ Республикаси. Бухарест. **Суратда:** Шаҳар Марказий маданият ва истироҳат парки кутубхонасининг терассаси.

АМУР ҲАВЗАСИДА ҚИДИРИШ ИШЛАРИ ОЛИБ БОРИШ ТЎҒРИСИДА СССР БИЛАН ХХР ЎРТАСИДА БИТИМ ТУЗИЛДИ

ПЕКИН, 18 август. (ТАСС). Бугун Пекинда Амур дарёси ҳавзасида табиий ресурсларни аниқлаш, шу районнинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш ҳамда Аргунь дарёсининг сувидан ва Амур дарёсининг юқори қисмидан комплекс равишда фойдаланиш планини тузиб чиқиш юзасидан проект-қидириш ишларини амалга ошириш бўйича биргаликда илмий-текшириш ишлари олиб бориш ҳақида Совет Иттифоқи билан Хитой Халқ республикаси ўртасида битим имзоланди.

Битимга мувофиқ, Амур ҳавзасида 1956—1960 йилларда табиий шароитни ўрганиш юзасидан биргаликда иш олиб борилади, сувнинг оқишини тартибга солиш, кемачилик шароитини яхшилаш, гидроэлектростанциялар қуриш, балиқчилик хўжалигини ривожлантириш бўйича ва бошқа қидириш ишлари ўтказилади.

Германия Коммунистик партиясини тақиқлаш тўғрисида Бонн ҳукуматининг чиқарган қарорига қарши Польша жамоатчилиги норозилик билдирмоқда

ВАРШАВА, 18 август. (ТАСС). Ғарбий Германия ҳукуматининг Германия Коммунистик партиясини тақиқлаш тўғрисида қонунга хилоф қарор қабул қилганлиги Польша жамоатчилигининг кенг табақаларини жуда ғазаблантирди. Поляк юристлари бирлашмасининг бош бошқармаси Германия Федератив Республикасининг президент Хейсга телеграмма юбориб, Германия Коммунистик партиясини тақиқлаш тўғрисидаги қарорни бекор қилишни талаб этди.

Польша матбуоти Бонн ҳукуматининг қонунга хилоф равишда қилаётган ишларига қарши қаттиқ норозилик билдирмоқда. Германия Коммунистик партиясига берилган зарба, деб ёзади «Трибуна люду» газетаси, Бонн шовинистлари ва реваншистларининг агрессия тайёрлаш йўлида қўйган янги қадамидир. Германия Коммунистик партиясини тарқатиш — ғарбий герман меҳнаткашлар оммасининг демократик эркинликларига қарши кенг ҳужумнинг бошланишидир.

Бонн ҳукумати, деб ёзади «Трибуна люду» газетаси, мана шу антикоммунистик хуруж воситаси билан мустаҳкамланиб келаётган тинч-тотув яшаш вазиятини, халқаро кескинликнинг юмшаганлигини бузмоқчи бўлади. Бироқ, бунинг натижасида Европа халқларининг коллектив хавфсизлик учун, герман милитаристларининг агрессиясига неча марталаб дучор бўлган барча давлатларни бир-бирига яқинлаштириш учун олиб бораётган курашни тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамланади ва кенгаяди.

Франция жамоатчилиги Германия Коммунистик партияси тақиқланганлигига қарши норозилик билдирмоқда

ПАРИЖ, 18 август. (ТАСС). Франция демократик жамоатчилиги Германия Коммунистик партияси тақиқланганлиги учун жуда ғазабланмоқда, Франция Коммунистик партиясининг Сиёсий бюроси эълон қилган баёнотида Франция Компартияси Германия Коммунистик партияси билан ўзининг тўла равишда бирдам эканлигини мамлакатнинг барча меҳнаткашлари номидан ишонтириб айтди.

Сиёсий бюро Франциядаги барча демократик ва тинчликсевар кучларга, ишчилар синфига ва социалистик партияга мурожаат қилиб, уларни Германия Коммунистик партиясининг тарқатилишига қарши норозилик билдиришга чақирди.

«Юманите» газетасининг хабарида айтилишича, Ғарбий Германиянинг Париждаги элчихонасига Компартия қонунга хилоф равишда тарқатилганлигига қарши норозилик билдирувчи хатлар, телеграммалар ва мактублар кела бошлаган.

«Жю» газетаси Ғарбий Германиядаги ўлкаларнинг ландтагларига қисман ўтказилган кейинги сайловларда коммунистларни ёқлаб берилган овозларнинг процента анча кўпайганлиги Компартияни тақиқлашга сабабчи бўлди, деб ёзмоқда.

Миср матбуоти Лондон конференциясидаги Совет делегациясининг позициясини маъқулламоқда

ҚОҲИРА, 18 август. (ТАСС). Лондон конференциясидаги совет делегацияси бошлиғи ташқи ишлар министри Д. Т. Шепиловнинг айтган гапларига бугун Миср матбуотида асосий эътибор берилмоқда. Ҳамма газеталар Д. Т. Шепилов нутқининг муфассал мазмунини биринчи саҳифаларда катта сарлавҳалар остида эълон қилдилар.

Матбуот совет делегацияси томонидан киритилган таклифни табриклаб, бу таклиф проблемани тинч йўл билан ҳал қилишга қўшилган муҳим ҳиссадир ва муҳокама қилинаётган масала устида умумий битимга келмоқ учун негиз бўлади, деб ёзмоқда. Газеталар совет таклифлари Миснинг Сувайш каналига бўлган шак-шубҳасиз суверен ҳуқуқларини эътироф қилишга асосланган таклифлардир, деб таъкидламоқда.

«Ал-аҳром» газетаси бундай деб ёзади: «Шепилов президент Носирнинг каналда кемалар қатновини бемалол қилиш масаласини муҳокама қилмоқ учун янги халқаро конференция ўтказиш тўғрисидаги таклифини қувватлаб чиқди. Сувайш канали компанияси национализация қилинганлигининг қонунийлиги тўғрисида ҳеч қандай тортишув бўлиши мумкин эмас. Сувайш канали Миср территориясининг бир қисмидир, шунинг учун ҳам Миснинг суверенитети ва ҳамма ҳуқуқлари шу территорияда жорий қилинади».

Бразилияда Миср халқига ҳамкорлик юзасидан митинг

МОНТЕВИДЕО, 18 август. (ТАСС). Бразилияда чиқадиган «Импренса популар» газетасининг хабар қилишича, шу кунларда Рио-де-Жанейрода Миср халқи билан ҳамкорлик юзасидан оммавий митинг бўлган. Митингда Бразилия пойтахтининг меҳнаткашлари, машҳур сиёсий ва жамоат арбоблари, турли сиёсий партиялардан депутатлар ҳозир бўлган.

Митингда депутат Кавалканти сўзлаб айтганки, Миср ҳукуматининг Сувайш канали компаниясини национализация қилиш ҳақидаги қарори мамлакат мустақиллигини сақлашга қаратилгандир. Депутат Эмилио Карлос шуни таъкидладики, эркинлик ва мустақилликни севучи барча халқлар Миср халқини қўллаб-қувватлаб, мустамлакачиларнинг найрангларига нисбатан ҳушёр бўлишлари керак.

Сувайш канали масаласига бағишланган Лондон конференцияси

ЛОНДОН, 18 август. **(ТАСС махсус мухбири).** Сувайш канали масаласига бағишланган Лондон конференциясининг тўртинчи мажлиси бугун маҳаллий вақт билан соат 15 да очилди. Конференция қатнашчилари ўз олдиларида турган масалани муҳокама қилишни давом эттирдилар.

Биринчи бўлиб Австралия делегациясининг бошлиғи бош министр Мензис сўзлаб, Австралиянинг позициясини баён қилиб берди.

ҒАЗО РАЙОНИДАГИ МОЖОРАЛАР

ҚОҲИРА, 18 август. (ТАСС). Миср ҳарбий қўмондонлигининг вакили айтдики, 16 августда Исроил қўшинлари Миср позицияларига икки марта ҳужум қилдилар. 16 август кечқурун Исроилнинг қуролли патрули Рафа районида демаркация линиясини кесиб ўтиб, олти киши тушган автомашинага ҳужум қилди. Машинадаги кишиларнинг ҳаммаси ўлдирилди. Шу куннинг ўзида Исроилнинг бошқа бир патрули Миср контроллиги остидаги Дайрл Балоғдаги территорияга бостириб кириб, Миср отрядига ҳужум қилди. Миср солдатларидан уч киши ўлдирилди. Исроил қўшинлари ўз қурол-яроғларининг бир қисмини ва портловчи моддаларни ташлаб, ўз территорияларига чекиндилар.

«ПАХТАКОР» ФУТБОЛЧИЛАРИ НИНГ МАҒЛУБИЯТИ

Кеча пойтахтимизнинг бирнеча ўн минг аҳолиси «Пахтакор» стадионига тўпланди. Улар янги стадионда биринчи марта бўладиган футбол мусобақасининг бошланишини орзиқиб кутмоқда эдилар.

Соат 18,30 бўлиши билан судья Зябликов ўйинчиларни майдонга чақиради. Томошабинлар мамлакат биринчилиги учун футбол бўйича «Б» классда биринчи ўринда келаётган Тбилиси округ офицерлар уйи («ОДО») командаси аъзоларини гулдурос қарсаклар билан кутиб оладилар. Меҳмонлар кетидан «Пахтакор» (Тошкент) футболчилари саф тортиб майдонга тушадилар.

Ўйин бошланоқ қизғин тус олди. Ҳар икки томон дарбозаси олдида тез-тез жиддий хавф туғилиб турди. Тошкентликларнинг тез суръат билан ўйнамаслиқларини, ўйинчиларнинг аҳил ҳаракат қилмасликларини дарҳол сезиб олган «ОДО» футболчилари ташаббусни қўлга олиш мақсадида суръатни жуда тезлатадилар. Бу суръатга «Пахтакор» командаси бардош бераолмайди ва натижада ўйиннинг 20-минутида тбилисилик марказий ҳужумчи Норакидзе тўпни тошкентликлар дарбозасига киритади.

Муваффақиятдан руҳланган меҳмонлар ўйиннинг иккинчи қисмида янада тез суръат билан, қулай комбинацияларни қўлланиб, кетма-кет яна 3 тўп киритишга муваффақ бўлдилар.

Шундай қилиб бу учрашув 4:0 ҳисоби билан Тбилиси «ОДО» командаси фойдасига ҳал бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, «Пахтакор» командаси ниҳоят даражада уюшқоқсизлик, камҳавсалалик билан ўйнади. Айниқса ҳужумчилар Кануников, Мурашев ва ҳимоячи Козенков ташаббусиз ўйнадилар.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

СССР халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш учинчи Давлат заёми

16-ЮТУҚЛАР ТИРАЖИНИНГ

справка жадвали

Заёмнинг бу тиражи 1956 йил 12 августда Кишинев шаҳрида бўлиб ўтди.

Заёмнинг ҳамма разрядидаги серия ва облигацияларнинг қуйидаги номерларига ютуқлар чиқди:

Серия номерлари	Облигация номерлари	Ютуқ миқдори (сўм билан)	Серия номерлари	Облигация номерлари	Ютуқ миқдори (сўм билан)	Серия номерлари	Облигация номерлари	Ютуқ миқдори (сўм билан)	Серия номерлари	Облигация номерлари	Ютуқ миқдори (сўм билан)	Серия номерлари	Облигация номерлари	Ютуқ миқдори (сўм билан)
040040	37*)	1.000	043968	1—50	500	047868	26*)	1.000	051607	1—50	500	056003	47*)	1.000
040176	1—50	500	044117	07*)	1.000	047934	1—50	200	051764	21*)	1.000	056106	27*)	1.000
040394	1—50	500	044411	03*)	1.000	048152	1—50	200	051929	1—50	500	056389	34*)	1.000
040408	25*)	1.000	044464	25*)	1.000	048316	47*)	1.000	052000	1—50	200	056418	1—50	200
040439	08*)	1.000	044743	41*)	1.000	048345	26*)	1.000	052060	41*)	1.000	056432	48*)	1.000
040489	1—50	500	044803	08*)	10.000	048347	05*)	1.000	052080	1—50	200	056578	1—50	500
040577	29*)	1.000	044872	22*)	1.000	048537	45*)	1.000	052426	30*)	1.000	056604	1—50	200
040676	1—50	200	044873	07*)	1.000	048725	06*)	5.000	052430	44*)	1.000	056757	10*)	1.000
040707	45*)	1.000	044923	30*)	1.000	048778	04*)	1.000	052547	1—50	500	057219	38*)	1.000
040784	22*)	1.000	045075	39*)	1.000	048881	48*)	1.000	052568	24*)	1.000	057304	1—50	500
040909	16*)	1.000	045407	1—50	200	049188	1—50	200	052793	1—50	200	057456	1—50	500
040942	41*)	1.000	045527	1—50	500	049270	34*)	1.000	052831	09*)	1.000	057516	10*)	5.000
041050	19*)	10.000	045593	1—50	200	049297	07*)	1.000	052985	1—50	500	057675	24*)	5.000
041110	29*)	1.000	045649	1—50	500	049601	1—50	200	053119	26*)	1.000	057700	05*)	1.000
041123	43*)	1.000	045721	50*)	1.000	049610	1—50	200	053269	08*)	1.000	057872	34*)	1.000
041192	35*)	1.000	045884	11*)	25.000	049624	22*)	1.000	053601	15*)	5.000	057879	1—50	500
041195	02*)	5.000	045969	27*)	5.000	049645	29*)	1.000	053938	20*)	1.000	058005	38*)	1.000
041546	1—50	500	045971	48*)	1.000	049695	26*)	1.000	054054	1—50	200	058160	03*)	1.000
041650	41*)	10.000	046000	48*)	5.000	049701	44*)	1.000	054117	14*)	1.000	058270	33*)	10.000
041687	15*)	1.000	046149	1—50	200	049702	26*)	1.000	054220	04*)	1.000	058300	18*)	1.000
041750	1—50	200	046179	01*)	1.000	049882	1—50	200	054310	1—50	500	058505	30*)	1.000
041856	43*)	5.000	046359	29*)	1.000	049908	25*)	50.000	054453	13*)	25.000	058566	14*)	1.000
042047	25*)	1.000	046473	36*)	1.000	050119	1—50	500	054466	47*)	1.000	058768	05*)	1.000
042089	18*)	1.000	046588	1—50	200	050148	1—50	200	054728	1—50	200	059014	13*)	1.000
042220	26*)	1.000	046739	42*)	1.000	050193	1—50	200	054840	10*)	5.000	059067	31*)	1.000
042262	1—50	200	046797	1—50	200	050309	46*)	1.000	054852	31*)	1.000	059089	09*)	1.000
042553	28*)	1.000	046894	1—50	200	050518	1—50	200	054862	1—50	200	059218	31*)	1.000
042703	27*)	1.000	046966	31*)	1.000	050533	46*)	1.000	054876	01*)	1.000	059329	40*)	1.000
042852	12*)	1.000	047072	06*)	1.000	050837	1—50	500	054940	30*)	1.000	059441	22*)	1.000
043002	48*)	1.000	047148	1—50	500	050871	1—50	200	055009	14*)	1.000	059770	07*)	5.000
043308	07*)	1.000	047202	41*)	1.000	051096	13*)	1.000	055129	1—50	200	059790	48*)	1.000
043485	23*)	1.000	047452	15*)	1.000	051112	30*)	1.000	055641	06*)	1.000	059926	1—50	500
043778	1—50	200	047456	36*)	10.000	051152	48*)	1.000	055751	26—50	200	059949	13*)	1.000
043926	41*)	1.000	047661	28*)	1.000	051278	31*)	1.000						

*) Шу сериядаги облигацияларнинг қолган 49 номерига 200 сўмдан ютуқ чиқди.

Ютуқлар тиражини ўтказувчи Комиссиянинг раиси — Молдавия ССР Министрлар совети раисининг ўринбосари А. Ф. ДИОРДИЦА.
Комиссиянинг масъул секретари Е. П. ЛЕПЕНДИН.

ТЕАТРЛАРДА:

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино) — 22/VIII да **Сурмахон.**

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА» — эрталаб соат 10 да **Дунай фарзанди,** кундуз ва кечқурун янги немис бадиий фильми **Кўча серенадаси.**

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун **Кўча серенадаси.**

«ИСКРА» — кундуз ва кечқурун **Кўча серенадаси,** кеч соат 8-20 минутда **Шундай йигит бор.**

«ЁШ ГВАРДИЯ» — эрталаб соат 10, кундуз 12 ва 2 да **Ташвишли ёшлик,** кундуз соат 4 дан **Кўча серенадаси.**

ЕЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ВАТАН», «ИСКРА», «ХИВА», «ИСКРА» (Кафанов номли парк), «УДАРНИК» — **Кўча серенадаси.**

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГИЯ ЗАВОДИГА

доимий ишлаш учун: **канавшчиклар, пўлат эритувчи, вальцовщик ва застановщик ёрдамчилари, младший печнойлар, ўтга чидам гишт терувчилар, пар крани машинистларининг ёрдамчилари, сцепкачилар**

КЕРАК

Қабул қилинганлар ётоқ билан таъминланади.

Тошкент область, Бекобод шаҳрида заводнинг кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

Сталин номли Тошкент тўқимачилик комбинатининг

ФЗУ МАКТАБИ

16 ёшдан тортиб

қизлар қабул қилади

7-10 синф ҳажмида маълумоти бўлганлар; ўқиш муддати 1 йиллик **йигирувчи ва тўқувчи касбларига.** 4—6 синф ҳажмида маълумоти бўлганлар **крутильщица, ровничница ва мотальщица касбларига** қабул қилинади

Ўқувчилар стипендия билан таъминланадилар ва ўқишнинг бешинчи ойидан бошлаб ишбай асосида ҳақ оладилар, ҳалок бўлган жангчиларнинг, Ватан уруши ногиронларининг болалари ва отаонасиз етимлар кийим ва кунига уч марта овқат билан таъминланадилар.

Кирувчилар аризага қуйидаги ҳужжатларни қўшиб берадилар: 1) маълумоти ҳақида гувоҳнома, 2) турар-жойидан ва кимнинг қарамоғида бўлганлиги ҳақида справка, 3) кейинги иш ўрнидан справка, 4) Ватан уруши ногиронлари ёки ҳалок бўлган жангчининг қизи эканлигига военкоматдан справка, 5) учта фотокарточка, 6) таржимаи ҳол. Паспортни ўзлари билан олиб келиб кўрсатадилар

ФЗУ мактаби уй-жой билан таъминламайди.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Академическая кўча, 5- уй. (9 ва 11- трамвай, 2- троллейбуснинг «Соцгородок» остановкаси).

«ГИПРОЖИР» ПРОЕКТ ИНСТИТУТИНИНГ ТОШКЕНТ БЎЛИМИГА

проект тузиш учун **тажрибали инженерлар: мой-ёғ саноати технологлари, групповой ва старший инженерлар, қурилиш инженерлари, саноат тармоқлари ва станцияларининг электриклари, сантехник, сметачи, электрик инженерлар**

КЕРАК

Адрес: Тошкент шаҳар, Ленин кўчаси, 55-уй. Телефон 32-361.

«ГАСТРОНОМ» ВА РАЙПИШЧЕТОРГ МАГАЗИНЛАРИДА

ҳар куни

ҚАИМОҒИ ОЛИНМАГАН СУТ ВА СУТ МАҲСУЛОТЛАРИ СОТИЛАДИ

«Гастроном» магазинлари: № 1—Пушкин кўчасида, № 2—К. Маркс кўчасида, № 3—Сапёрная кўчада, № 11 ва 17— Навоий кўчасида, № 5—Сельмашская кўчасида, № 13 — Ш. Руставели кўчасида.

Райпишчеторг магазинлари: Пролетар, Навоий, Ленин, К. Маркс, Энгельс, Кафанов, Мальков (Шумилов шаҳарчаси) кўчаларида, Октябрь ва Марказий район бозорларида ва бошқа жойларда.

Харидорларга қулайлик учун, сут ва сут маҳсулотлари махсус сут магазинларида ва бозорларда эрталаб соат 7 дан, «Гастроном»нинг 1, 2, 3, 11, 17-магазинларида эрталаб соат 8 дан сотилади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚУРИЛИШ МИНИСТРЛИГИГА

Самарқанддаги 150-область қурилиш трестида ва Фарғонадаги 151-область қурилиш трестида: қурилиш бошқармаларининг бош инженерлари, бошлиқлари, старший инженерлари, ишлаб чиқариш-техника бўлимларининг инженерлари, прораблар ва старший прораблар вазифасида ишлаш учун

қурилиш инженерлари ва техниклари, шунингдек қурилиш ишчилари

КЕРАК

Қуйидаги жойларда кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин: 1) Тошкент шаҳрида — Навоий кўчаси, 22-уй, Самарқанд шаҳрида — Ўзбекистон кўчаси, 11-уй, Фарғона шаҳрида — Мой-ёғ комбинати, 151-трест.

ЎЗБЕКИСТОН ССР САНЪАТ МУЗЕЙИДА

20 залда

революциядан илгариги рус тасвирий санъати, совет рассомлари санъати, ўзбекистон халқ усталари санъати, қадимги ва демократик Хитой санъати, ҳинд санъати, Ғарбий Европа санъати

КУРСАТИЛАДИ.

Ўзбекистон ССР халқ рассоми В. И. Уфимцев НАТЮРМОРТЛАРИ ВИСТАВКАСИ ОЧИЛГАН.

Музей эрталаб соат 10 дан кеч 6 гача ишлайди.

Адрес: Пролетар кўчаси, 16-уй. Телефон 32-647 (1-троллейбус, 1, 2, 3 ва 4-трамвай остановкаси).

Иттифоқ проект институти **«СОЮЗГИПРОТОРГ» ЎРТА ОСИЕ ФИЛИАЛИГА**

проект бош инженерлари, проект тузувчи инженерлар ва старший инженерлар вазифасига

қурувчи инженерлар

КЕРАК

Иш ҳақи проект ташкилотлари ставкаси юзасидан туланади. Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Пушкин кўчаси, 2-уй (Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги ҳовлисида).

2-Урицкий кўчаси, 81-уйда турувчи **Тошпўлат Расулевнинг** шу уйда турувчи Хадича Расулева (Охунжонова)дан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Киров район, 3-участка халқ судида кўрилади.

Калинин қишлоқ советидаги Охунбобоев номли колхозда турувчи **Мехри Ашурованинг** шу колхозда турувчи Қаҳҳор Ашуровдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент область, Калинин район, 1-участка халқ судида кўрилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. **РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:** коммутатор — 36334 ва 33282 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 132. Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва санъат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 132 Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими 135. Секретариат — 34048. Эълонлар бўлими — 38142.

Р. 07739. «Қизил Ўзбекистон» «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1504.